

УЗБ. 2
49
С-21

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

Р.Р.Сайфуллаева

**Ҳозирги ўзбек тилида сўзлар
бирикмалари**

УЗБ.2
49
С-21

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА Ўрта ta'lim filologiyasi
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ fakulteti
O'QUV ZAL

НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

Р.Р.Сайфуллаева

Ҳозирги ўзбек тилида сўзлар
бирикмалари

Ўзбек filologiyasi
fakulteti
KUTUBXONASI

Ўзбекистон Республикаси
Махсус таълим вазирлиги
1025
Шахсони кутубхонаси

Тошкент - 2000 21366
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
ToshDO'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

1

Ўшбу рисолада тилшуносликда мураккаб масалалардан бири - сўзлар бирикмасига бағишлангандир. Бунда сўзлар бирикмаси хақида олимларимиз ва амалиётчиларимизни қизиқтирадиган муаммолар кўтарилган, шунинг учун у тилшуносларгагина эмас, балки, умуман, шу муаммолар билан қизиқувчанлар диққатига ҳавола этилмоқда.

Маъсул муҳаррир :

филология фанлари доктори,
профессор Р.Расулов

Тақризчилар:

филология фанлари доктори,
профессор Қ. Содиқов

филология фанлари номзоди
профессор К.Н.Назаров

СЎЗЛАР БИРИКМАСИНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИДАН

Сўзлар бирикмасини ўрганиш синтактик категорияларни ўрганишнинг кейинги босқичларидан биридир.

Эрамиздан аввал ҳам грамматик категориялар (сўз туркумлари, гап, гап бўлаклари...) ҳақида маълумотлар бўлган, аммо сўзлар бирикмаси тўғрисида маълум бир тушунчага эга бўлинмаган. Кейинчалик қадимги грек филологиясида сўз билан гап ўртасида нимадир борлиги ҳақида фикр юритилади. Лекин унинг нима эканлиги, унинг грамматик табиатига доир маълумотлар берилмайди. Фақат "...среднее место между именем и предложением занимает "речение" деган фикр қайд этилади [3, 18]. Бу ерда "речение" дегани сўзлар бирикмасига тенг келади.

Узоқ йилларгача, ҳатто узоқ асрларгача сўзлар бирикмаси эътибордан четда қолиб келган. XVIII асрларга келиб сўзлар бирикмаси билан қизиқа бошлайдилар. Жумладан, М. В. Ломоносов ўзининг "Российская грамматика" (1755) асарида сўзлар бирикмаси ҳақида анча кенг маълумот берган, гап ичида сўзлар бирикмаси борлиги; сифат-от, от-феъл, равиш-феъл кабиларнинг бирикишига доир фикрлар баён этилган. Кейинчалик, М. В. Ломоносовнинг сўзлар бирикмаси ҳақидаги фикрларини Н. Курчанов, А. Борисов, Н. Греч, А. Х. Востоков, В. В. Виноградовлар тараққий эттирадилар. Кўринадики, рус тилшунослигида сўзлар бирикмаси билан қизиқиш, уни кенг кўламда ўрганиш йўлга қўйилган.

Сўзлар бирикмасини ўрганиш туркологларнинг ҳам эътиборидан четда қолмади.

Мирза Козимбекнинг 1839 йилда Қозон шаҳрида "Грамматика турецко-татарского языка" деган машҳур асари нашр этилади. Бу асарда грамматикага доир кўп қимматли фикрлар баён этиладики, уларнинг кўплари ҳозиргача ўз мавқеини йўқотмаган. Асарда сўзлар бирикмаси синтактик планда ўрганилмаса ҳам, сўзлар ва гапдан ташқари сўзлар бирикмаси ҳам борлиги, уларнинг баъзи бир турлари қайд этилади.

1935 йилда А.К.Боровковнинг туркий тиллар изофети ҳақида мақоласи чиқади. Бу мақолада фақат-изофет ҳақида эмас, шу билан бирга, сўзлар бирикмаси тўғрисида ҳам гапирилади. Сифат-от, сифатдош-от, отфеъл кабиларнинг бирикиши кўрсатилади. Бундай қараганда, бу мақоладаги фикр-

лар сўзлар бирикмаси ҳақидаги биринчи фикрлардир [7, 165-177].

А.К.Воровковдан кейин кўп тилшуносларнинг сўзлар бирикмаси ҳақида ишлари эълон қилинди. Масалан, Г.Ачилова [4, 2], А.Джафаров [8], Е.А.Поцелуевский [12], И.Убрятова [21], М.Б.Балакаев [5], Н.А.Баскаков [6] ва яна бошқа бир қанча олимларнинг ишлари нашр этилади.

Туркологияда сўзлар бирикмасига доир мукамал ва йирик асар Ю.М.Сейидовнинг "Словосочетания в азербайджанском языке" номли докторлик диссертациясидир. Диссертация етти бобдан иборат бўлиб, улар куйидагича номланади:

- I. Из истории изучения словосочетаний.
- II. Место словосочетаний в системе языка.
- III. Смысловые и грамматические связи в словосочетаниях.
- IV. К вопросу о типах словосочетаний.
- V. Именные словосочетания.
- VI. Глагольные словосочетания.
- VII. Послеложные глагольные словосочетания.

Биринчи бобда рус тилшунослиги, туркология ва озарбайжон тилшунослигида сўзлар бирикмасининг ўрганилиши, уларда баён этилган фикрлар ҳақида қисқа-қисқа изоҳлар берилади.

Иккинчи бобда сўз ва сўзлар бирикмаси, сўзлар бирикмаси ва гап, сўзлар бирикмаси ва синтагма қиёсий планда ўрганилади.

Сўзнинг ҳам, сўзлар бирикмасининг ҳам коммуникатив характерда бўлиб, предмет, воқеа-ҳодисаларни ифодалаш; сўзнинг предмет, воқеа-ҳодисаларнинг эса предмет, воқеа-ҳодисаларни алоҳида эмас, балки бир-бири билан боғлиқ ҳолда ифодалаш; сўзнинг лексик, сўзлар бирикмасининг грамматик категория эканлиги, сўзнинг ўз навбатида тарихий категория ҳам бўлиши, яъни узоқ йиллар давомида шаклланиб, нутққа тайёр ҳолда келиши; сўзлар бирикмасининг бундай тарихий жараёни босиб ўтмаслиги, унинг (сўзлар бирикмасининг) нутқ жараёнида яратилиши; сўзда номаълумликнинг, сўзлар бирикмасида конкретликнинг кучли бўлиши, кўп маънолик, омоним-синонимликнинг, асосан, сўзга хослиги; сўзнинг ҳам, сўзлар бирикмасининг ҳам гапнинг қурилиш материали эканлиги сингари масалалар қайд этилади.

Сўзлар бирикмасининг ҳам, гапнинг ҳам грамматик категория эканлиги, сўзлар бирикмасининг коммуникатив характерда бўлиши, гапнинг эса фикрни ифодалаб, кишиларнинг алоқа-аралашув қуроли бўла олиши, сўзлар бирикмасининг гапнинг қурилиш материали сифатида хизмат қилиши, гапда модалликнинг бўлиши, сўзлар бирикмасида модалликнинг йўқлиги, гапда

предикативлик ва оҳанг тугаллиги мавжудлиги баён этилади. Шунингдек, сўзлар бирикмасида ундалма, кириш сўз, боғловчи, юклама кабиларнинг қўлланмаслиги сингари қолатлар ҳам кўрсатилади.

Синтагманинг оғзаки нутққа хослиги, бир сўзнинг ҳам синтагма бўлиб келиши, ўша пайтда ўрганилаётган тилда синтагма ҳақида етарли маълумотга эга бўлмасликлари, бу ҳақида турли-туман фикрлар борлиги каби бир қанча фикрлар ҳам иккинчи бобда ўз ифодасини топгандир.

Учинчи бобда семантик алоқалар ҳақида гап боради. Бу бобда тенг ва тобе (сочинительная связь, подчинительная связь) алоқалар ҳақида гапирилади. Тенг алоқа ҳақидаги турли хил фикрлар, яъни тенг алоқани синтактик алоқа дейиш мумкин эмаслиги, тенг алоқани мослашувга киритиш кераклиги ҳақидаги турли хил фикрларга шарҳ берилади. Муаллиф "Война и мир", "Лайли ва Мажнун" кабиларни сўзлар бирикмаси демайди, уларни икки сўзнинг маъно томонидан бирлашиб, коммуникатив хусусиятга эга бўлади, яъни номни ифодалайди дейди. Тилшунос диссертациясида мослашув, бошқарув, битишувларга кўп ўрин берганини қайд этади.

Тўртинчи бобда предикатив-нопредикатив, эркин ва боғлиқ, содда ва қўшма сўзлар бирикмаси; бешинчи бобда отли бирикмалар, олтинчи бобда феълли бирикмалар ҳақида фикр юритилади. Сифатдош, равишдош, инфинитив оборотларнинг ҳам феълли бирикмаларнинг бир тури эканлиги айtilади. Еттинчи бобда билан, учун, томон, сари, бари каби бир қанча кўмакчиларнинг сўзлар бирикмаси ҳосил қилишда унумли қўлланиши тасвирланган.

Ўзбек тилшунослигида ҳанузгача сўзлар бирикмаси билан гап қориштирилади, икки хил категориянинг фарқига борилмайди.

Синтактик сўзлар бирикмасининг тобе элементи ўзининг синтактик мавқеига қараб иккига бўлинади:

- а) мутлақ тобе элементли сўзлар бирикмаси,
- б) нисбий тобе-нисбий ҳоким элементли сўзлар бирикмаси.

Синтактик сўзлар бирикмаси гап билан, худди шунингдек текст (матн) билан узвий боғлиқ, чунки у нутқ жараёнида, гап ичида, ҳосил бўлади. Гап синтактик сўзлар бирикмасисиз ҳам яшай олади, синтактик сўзлар бирикмаси эса гапсиз яшай олмайди, яъни уни гапсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Ана шулар (гап ичида ўрганилиши)ни ҳисобга олган ҳолда синтактик сўзлар бирикмаси ички синтаксис дейилади.

Гап ичида ўрганилагандан кейин сўзлар бирикмаси синтаксиси ёки ички синтаксис деб алоҳида урғу бериш, алоҳида ном бериб аташ ўринлимикин? Бизнинг текширишларимиз шунини ўринли деб тасдиқлайди.

Анъанавий синтаксисда "сўзлар бирикмаси" термини остида, асосан,

мослашув, бошқарув, битишув ва уларнинг ҳосил бўлишида иштирок этувчи грамматик воситалар, шунингдек сўзлар тартиби, фонетик элементлар ўрганилади. Ўзларига эргашиб келувчи сўзларни бўлган сифатдош, равишдош, инфинитив кабилар сифатдош оборот, равишдош оборот, инфинитив оборот номлари билан тилга олинади. Нега ўзига эргашиб келувчи сўзлари бўлган от, равиш (поезддан тез) кабиларни от, равиш оборотлар демаймиз? Феъл группасига кирганлиги учун равишдош, сифатдош оборот дейиладими? Сўзларни ўзига эргаштириб келиши жиҳатидан от ҳам, равиш ҳам, сифатдош, равишдош, инфинитивлар ҳам бир хил мавқеда туради. Нега буларнинг бир турини сўзлар бирикмаси, бошқа бир турини оборотлар деймиз? Нега оборотларни сўзлар бирикмаси демаймиз?

Бизнинг тушунишимизча, уларнинг ҳаммаси сўзлар бирикмасидир. Стержень (ҳоким) элементи сифатдош, равишдош билан ифодаланган сўзлар бирикмаси кўп қиррали бўлиб, сўзлар бирикмасининг энг характерлисидир. Ифода қулай бўлсин учун сифатдош, равишдош оборотларни шартли қолда сифатдошли бирикма, равишдошли бирикма деб олдик.


Сифатдош ва равишдошли бирикмаларнинг оддий ёки йиғиқ кўриниши икки элементдан иборат бўлади. Нутқда, яъни гап таркибида унинг анча мураккаб турлари ҳам учрайди. Бу борада битта гапни текшириб кўрайлик: Юк ортилган аравалар, эшаклар, қўлларини чўзиб турган тиланчилар, сават-сават нон кўтариб юрган болалар, Машраб ғазалларини ўқиб "Ё-ҳур" дея бақариб кетаётган қаландарлар тўла кўчани оралаб бораётган Зумрад таққа тўхтади. (Ойбек) Бу гап қўшма гапга ўхшаб кўринса ҳам, қўшма гап эмас, у ёйиқ содда гапдир, чунки биттагина предикатив марказга эга: Зумрад - эга, тўхтади - кесим. Кесим таркиби фақат икки элементдан, яъни кесим (тўхтади) ва равиш ҳоли (таққа)дан иборат. Аммо эга таркиби анча кенг. Қуйидагиларнинг ҳаммаси эга таркибига киради:

- а) юк ортилган аравалар;
- б) юк ортилган эшаклар;
- в) қўлларини чўзиб турган тиланчилар;
- г) сават-сават нон кўтариб юрган болалар;
- д) Машраб ғазалларини ўқиб "Ё-ҳур" дея бақариб кетаётган қаландарлар.

Мана шу юқорида санаб ўтилган бешта бирикма "тўла" сўзи билан бирлашиб битта мураккаб ёйиқ аниқловчини ташкил этади. Бу ёйиқ аниқловчининг аниқланмиши "кўчани" сўзидир. "Кўчани" сўзи оралиқ бўлак бўлиб, ўзидан олдинги мураккаб аниқловчини эргаштириб келса, ўзидан кейинги "оралаб бораётган" аниқловчисига эргашиб келади. Бу ёйиқ

аниқловчи эса "Зумрад" деган эгага эргашади. Юқорида қайд этилган гап таҳлилини яхши тушуниш учун қайта-қайта ўқиш лозим бўлади. Шунда ҳам хотирада сақлаш қийин бўлади. Агар шу гапни схемалаштирсак, ҳаммаси ойнадек равшан бўлади. Схема қуйидагича:

1-мадвал



Бу схемадан кўриниб турибдики, сўзлар бирикмаси нақадар мураккаб бўлиб, сўзлар бирикмаси ичида сўзлар бирикмаси бор, бу бирикмалар ичида иккинчи даражали бўлақларнинг барча турлари иштирок этади.

Сўзлар бирикмаси шунчаки бир бирлик эмас, унинг нутқда ўз ўрни ва мавқеи бор. Масалан, схемада, яъни схемага олинган сўзлар бирикмасида шундай бир манзара тасвирланганки, у манзарани на содда гап, на қўшма гап орқали тасвирлаб бўлади. Сўзлар бирикмаси билан эса бу манзара қатъий қилиб жонли қилиб кўрсатилган. Мана бу далиллар "гап синтаксиси", "матн синтаксиси" дегандек "сўзлар бирикмаси синтаксиси" (ички синтаксис) дейишга асос беради.

Сўзлар бирикмаси синтаксисда кўпчиликни қизиқтирадиган бир масала борки, у ҳам бўлса, сўзлар бирикмаси таркибини таҳлил қилиш - таҳлил қилмаслик муаммосидир. Бу борада икки хил фикр бор:

1. Турколог, озарбайжон тилшуноси М. Ш. Ширалиевнинг фикри. М. Ш. Ширалиев сифатдош, равишдош оборотлар ўз тузилишига кўра сўзлар бирикмасидир. Шунинг учун улар таркибини таҳлил қилиш, улар таркибидан гап бўлаklarини ахтариш мумкин эмас деган фикрни олға суради. [17, 81].
2. О.В.Сиротинанинг фикри. Бу олима ўзининг "Лекции по синтаксису русского языка" асарида М. Ш. Ширалиев фикрига зид фикрни баён этади. Мана шундай деб ёзади: "Распространенные члены могут и должны анализироваться поэтапно, например, причастный оборот в предложении является целостным определением, а при разборе словосочетаний должны быть разобраны по составляющим его компонентам". [15, 143].

Сўзлар бирикмасини юқорида айтганимиздек, "Сўзлар бирикмаси синтаксиси" остида ўрганиб, унинг семантик-синтактик табиатини очиш, морфологик хусусиятларини текшириш бу куннинг муҳим муаммоларидан биридир. Биз бу ерда аниқловчи вазифасида келган биттагина сифатдошли бирикмани юзакигина таҳлил қилдик. Агар уни атрофлича таҳлил қилсак, бирикма ичида қанчадан-қанча иккинчи даражали бўлақлар борлигининг гувоҳи бўламиз. Наҳотки, буларга эътибор бермасдан, кўз юмиб ўтсак. Бизнинг фикримизча, сўзлар бирикмасини бутунича олиб, унинг гапнинг қайси бўлаги бўлиб келишини аниқлаш ва таркибини гап бўлаги нуқтаи назардан ўрганиш зарур. Ана шу жиҳатдан О. В. Сиротинанинг фикрини тўлиқ қувватлаймиз.

Гап таркибида кесим, эга иккинчи даражали бўлақлар, шунингдек, ундалма ва кириш бўлақлар, киритма сўз, киритма гаплар бўлади. Сўзлар бирикмасини яратувчи элементлар, асосан, иккинчи даражали бўлақлар гап таркибида ҳам бор, сўзлар бирикмасининг таркибида ҳам бор. Гап таркибидаги иккинчи даражали бўлақларни гап бўлақлари деймиз. Сўзлар бирикмаси таркибидаги иккинчи даражали бўлақларни ҳам гап бўлақлари деймизми? Бизнинг тушунишимизча, сўзлар бирикмасининг ўзи гап бўлаги. Шунинг учун гап бўлагининг таркибий қисмини гап бўлаги дейиш мантиққа тўғри келмайди. Шу туфайли гап таркибидаги иккинчи даражали бўлақлар гап бўлаги, сўзлар бирикмаси таркибидаги иккинчи даражали бўлақларни сўзлар бирикмасининг бўлаги дейиш ҳақиқатга тўғри келади. Демак, иккинчи даражали бўлақлар икки хил бўлади:

- а) гапнинг иккинчи даражали бўлаклари;
 - б) сўзлар бирикмасининг иккинчи даражали бўлаклари.
- Биз шу билан бу қисмини тугатиб, уни қуйидагича хулосалаштирамиз:
1. Сўз ва бирикманинг семантик-грамматик табиатидан келиб чиқиб "сўз бирикмаси" эмас "сўзлар бирикмаси" дейиш лозим.
 2. Иккинчи даражали бўлаklar эга, тўлдирувчи, ҳол ва аниқловчи доирасида бўлади, аммо кесим доирасида бўлмайди.
 3. "Сўзлар бирикмаси синтаксиси" ёки "ички синтаксис" дейиш бизга маъқул.
 4. Сўзлар бирикмаси таркибини ҳам таҳлил қилиб иккинчи даражали бўлақларни аниқлаш мақсадга мувофиқ.
 5. Иккинчи даражали бўлақлар жойлашиш ўрнига қараб иккига бўлинади ёки икки хил бўлади:

- а) гапнинг иккинчи даражали бўлаклари;
- б) сўзлар бирикмасининг иккинчи даражали бўлаклари.

Сўзлар бирикмаси масаласи жуда қизиқарли ва мураккаб муаммолардан биридир. Айниқса, сўзлар бирикмаси моҳияти, таркиби кабилар унинг қанчалик мунозараталаб муаммолардан эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Она тилимиз грамматикаси ҳозирги даврда анча илгарилаб кетди. Бунда, албатта, тилшунос олимларимизнинг ҳиссаси беқиёс. Ҳозирда бажарилаётган ишларда янги фикр бор дейиш қийин, аммо 80-йилларда турколог олим Ҳ.Ғ.Неъматов томонидан ўзбек тилшунослигига олиб кирилган "гап маркази- [WPM]" назарияси ва унинг мустақкам ўрич эгаллагани аждодларимиз ва устозларимиз А.Фитрат, Ф.Камол, А.Ғуломов, Ҳ.Абдурахмонов, Ф.Убаевалар асарларида кесимнинг гапнинг асосий ҳоким бўлаги фикрлари олға сурилганлиги ва тўғрилиги исботланди. Устоз ва ҳамкасб тилшунослар диққатини жалб қилган назария ғарб тилшунослигидаги турли-туман назариялардан тубдан фарқ қилади. Тўғри, илмий ишлар турлича бўлиши мумкин, уларнинг айримларида бошқа тилларда мавжуд бўлган назариялардаги масалаларни бизнинг тилшунослигимизга олиб кириш, асардаги фикрларни тавсифлаш ҳам учрайди, бундай ишлар тавсифий характерга эга ва улар кичик бўлса-да, бир янги масаласини кўтариб чиққан ишлардан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам кейинги ишлар қиммати кўпроқ бўлади. Сўз бирикмаси масаласи устоз Ҳ.Ғ.Неъматов [10], Ш.Акрамов [2], С.А.Назарова [11] ва бошқалар ишларида жуда яхши таҳлил этилган. Бу рисолада сўз бирикмаси масаласи ўрганилар экан, биз тилшуносликда мавжуд икки йирик йўналиш - анъанавий ва формал-функционал йўналишларни фарқлаган ҳолда эмас, балки уйғунлигига асосландик.

СЎЗЛАР БИРИКМАСИ ҲАҚИДА БАЪЗИ БИР МУЛОҲАЗАЛАР

Сўзлар бирикмаси туркологияда анча ишланган соҳа. Масалан, қозоқ, қорақалпоқ, татар, озарбайжон тилларида А. Н. Баскаков, М. В. Балакаев, М. В. Закиев, В. И. Асланов, Р. Рустамовлар ўрганган бўлса, ўзбек тилшунослигида Ф. Абдуллаев, Ҳ. Абдуллаев, Р. Расуловлар томонидан сўзлар бирикмасининг у ёки бу жиҳатлари махсус ўрганилган. Яна қанча илмий мақолалар мавжуд. Дарслик ва қўлланмаларда ҳам бу ҳақда етарли маълумотлар бор. Шундай бўлишига қарамасдан, сўзлар бирикмасининг ўрганилиши лозим бўлган жиҳатлари бугунги кунда ҳам кўзга ташланиб турибди.

Дастлаб атама устида тўхтаймиз. Сўз бирикмаси (словосочетание) ёки сўзлар бирикмасими? Туркийшунослиқда, асосан, биринчи атама (сўз бирикмаси) ишлатилади. Жумладан, татар тилида "сузтезмалар", озарбайжон тилида "соз бирлашмэлэр" дейилса, ўзбек тилида "сўз бирикмаси" дейилади. Бундан кўринадики, "сўз" сўзи бирлик шаклда қўлланади. Визнинг бунга эътирозимиз бор. Чунки бирикма битта, сўз кўп. Камида - икки сўз бирикма ҳосил қилишда иштирок этади, икки ва ундан ортиқ сўз бирлашиб бир бирикма ҳосил қилади. Шундай бўлгандан кейин нега "сўз" сўзини бирлик формада ишлатамиз. Ана шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, биз иккиланмасдан "сўзлар бирикмаси" терминини қўллаш мақсадга мувофиқ деймиз.

Назаримизда, ҳозирги ўзбек тилшунослигида сўзлар бирикмасининг синтаксисда тутган ўрнига ҳам жуда юзаки қаралганга, илмий асос эътибордан четга қолганга ўхшайди.

Олий ўқув юртининг филология факультетларида "синтаксис" курсининг амалий қисмида гаплар гап бўлаклари, сўзлар бирикмаси жиҳатидан таҳлил қилинади. Ана шунда, қандай вазифада бўлишидан қатъий назар, феъл инфинитив (-моқ) шаклида олинади. Масалан, "Меҳнатни севган киши доим фароғатда яшайди" гапи қуйидагича таҳлил қилинади:

- 1) киши яшайди;
- 2) севган киши;
- 3) меҳнатни севмоқ;
- 4) фароғатда яшамоқ;
- 5) доим яшамоқ.

Икки сўзнинг грамматик кўрсаткичлар (-ни, да), тартиб ва оҳанг ёрдамида синтактик алоқага кириши нутқий ҳодиса бўлса, феълнинг "-моқ" шаклида келиши тил ҳодисаси бўлади.

Маълумки, гап - нутқ элементи. Сўз - тил элементи, "-моқ" формадаги бирикма ўз навбатида тил ва нутқ (тил-нутқ) элементидир. Юқоридаги таҳлилда нутқ билан тил-нутқ элементлари, гап билан сўзлар бирикмаси қориштирилади. Бошқача қилиб тушунтирсак, санаб ўтилган бешта бирикмининг биринчиси гап, иккинчиси сўзлар бирикмаси, учинчиси, тўртинчиси, бешинчисида икки сўз белгили ва белгисиз синтактик алоқага кирганлиги учун сўз бирикмаси, инфинитив шаклда бўлганлиги учун тил бирлиги, яъни тил-нутқ (нутқ-тил) элементидир. Феъллар инфинитив формада берилмасдан гап қурилишидаги шаклича берилса, гап келиб чиқади:

Одам яшайди, фароғатда яшайди каби.

Бу сингари таҳлил "Меҳнатни севган киши доим фароғатда яшайди" мисолида икжитагина синтактик бирикма (севган киши, ...) мавжудлигини кўрсатади. Биз юқоридаги таҳлил асосида Ф.С.Убаеванинг фикрини қувватлаб, сўзлар бирикмаси эга, тўлдирувчи, ҳол ва аниқловчи доирасида бўлади, лекин кесим доирасида бўлмайди деган хулосага келамиз.

Ҳозирги пайтда "синтаксис" термини кўп маъноларда қўлланади ва параллелик ҳам ҳосил қилади. Масалан, потенциал синтаксис, актуал синтаксис, сўзлар бирикмаси синтаксиси, содда гап синтаксиси, қўшма гап синтаксиси, кичик синтаксис, катта синтаксис, ички синтаксис, ташқи синтаксис, матн синтаксиси, конструктив синтаксис, коммуникатив синтаксис. Булардан бошқа, "синтаксис" деганда бир бутун грамматика ҳам тушунилади. Санаб ўтилган синтаксисларни ихчамлаштирсак, сўзлар бирикмаси синтаксиси билан ички синтаксис; потенциал ва кичик синтаксис билан гап синтаксиси, катта синтаксис билан матн синтаксиси; матн синтаксиси билан конструктив синтаксис, коммуникатив синтаксислар бир тушунчани ифода этади.

Энди биз сўзлар бирикмаси синтаксиси ҳақида қисқача мулоҳаза юри-тамиз.

Маълумки, семантик - грамматик жиҳатдан бир бутунлик ташкил қилган икки ёки ундан ортиқ сўз сўзлар бирикмаси ҳисобланади. Сўзлар бирикмаси уч хил:

- а) лексик сўзлар бирикмаси;
- б) фразеологик сўзлар бирикмаси;
- в) синтактик сўзлар бирикмаси.


Лексик сўзлар бирикмасини лексикология, фразеологик сўзлар бирик-

масини фразеология, синтактик сўзлар бирикмасини синтаксис ўрганеди. Лексик, фразеологик сўзлар бирикмасида ҳам синтактик алоқа бор, лекин бу алоқа ҳаракатдаги алоқа эмас. Замонлар ўтиши билан бир қолипга кириб қолган ва шу ҳолича гап қурилишига қатнашадиган сўзлар алоқасидир. Шунинг учун ҳам улар потенциал синтаксиснинг анъанавий синтаксиснинг текшириш объекти бўла олмайди. Потенциал синтаксис ҳаракатдаги, яъни нутқ жараёнида ҳосил бўлувчи сўзлар бирикмасини ўрганеди. Бундай сўзлар бирикмаси анъанавий грамматикада синтактик сўзлар бирикмаси дейилади. Синтактик сўзлар бирикмаси икки хил: синтактик эркин сўзлар, боғлиқ сўзлар бирикмаси.

Визнинг диққатимиз, асосан, синтактик эркин сўзлар бирикмасига қаратилади. Синтактик эркин сўзлар бирикмаси таркибидаги элементлар ўзларининг семантик-синтактик мавқеи жиҳатидан бир хил эмас. Бошқача қилиб айтсак, ҳоким тобеликда нисбийлик бор. Ана шу нисбийликка кўра ҳоким тобеликни учга бўлиб ўрганиш мумкин:

- а) мутлақ ҳоким элемент;
- б) мутлақ тобе элемент;
- в) нисбий ҳоким, нисбий тобе элемент.

Биринчиси, анъанавий грамматика бўйича, аниқловчи, эга, кесим доирасида юз беради, яъни эга аниқловчига нисбатан ҳам, кесимга нисбатан ҳам ҳоким бўлақдир. Бу ҳолат мутлақ ҳокимлик дейилади:




Иккинчиси сўзлар бирикмаси доирасида, асосан, сифатловчи-сифатланмиш, гап доирасида кўпинча, равиш ҳоли кесим муносабатида юз беради:

Тиниқ сув шилдираб оқмоқда. Шу гап қурилишида "тиниқ" билан "шилдираб" бўлақлари мутлақ тобе бўлақлардир, чунки уларга эргашиб келувчи элемент мавжуд эмас, йўқ.

Учинчиси сўзлар бирикмаси ва гап доирасида ҳосил бўлади. Тухматчиларни фош қилиш-бизнинг бурчимиз. (Ш. Рашидов) Бу гап ёйиқ бўлакли содда гап бўлиб, "фoш қилиш"-эга, "бурчимиз"-кесим. "Уни чирик мақсадлари йўлида сунистеъмом қилган туҳматчиларни" сўзлар бирикмаси билан ифодаланган ёйиқ бўлақ, аниқроғи, ёйиқ воситасиз тўлдирувчидир. Мана шу сўзлар бирикмасида "туҳматчиларни" тўлдирувчиси ёйиқ бўлақнинг етакчи элементи бўлиб, ўзидан олдинги элементларга нисбатан ҳоким,

Ўзидан кейинги бўлак-эгага (фoш қилиш) нисбатан тобе элементдир. Демак, бу гапда "тухматчиларни" воситасиз тўлдирувчили нисбий ҳоким ва ўз навбатида нисбий тобе бўлак ҳисобланади. Бу ёйиқ бўлак схемада кўйидигича кўринади:

2-жадвал



Шуни таъкидлаш лозимки, нисбий ҳоким-тобелик сўзлар бирикмасининг тузилишига қараб табақаланади. Бу ҳолатни юқоридаги схемада аниқ кўриш мумкин: "тухматчиларни" биринчи табақадаги нисбий ҳоким-тобе элемент десак, "суиистеъмол қилган" бўлакни иккинчи, "мақсади йўлида" бўлагини учинчи табақадаги нисбий ҳоким-тобе ҳолатдаги бўлак деймиз.

Биринчисида бирикмаларнинг ҳоким элементи ўзидан кейин келувчи сўзлар билан, яъни ўзининг ҳоким элементи билан эркин ҳолда синтактик алоқага кираверади. Масалан, "Тиниқ сув шилдираб оқмоқда" гапида "тиниқ сув" эркин сўзлар бирикмаси бўлиб, унинг ҳоким элементи (сув) ўзидан кейин келувчи элемент, яъни кесим (оқмоқда) билан эркин ҳолда синтактик алоқага кира олади. Жумладан, "Сув шилдираб оқмоқда" (сув оқмоқда) дейиш мумкин.

Иккинчисида бирикма таркибидаги элементлар семантик-грамматик жиҳатдан шундай боғлиқки, уларни бир биридан ажратиш бўлмайди: "Кеч экилганлигидан ҳосил яхши бўлмади". Бу мисолда "кеч экилганлигидан" сўзлар бирикмаси бўлиб, унинг элементларини бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Масалан, "экилганлигидан ҳосил яхши бўлмади" деб бўлмайди. Бу

хил сўзлар бирикмаси Х. Абдуллаев томонидан номзодлик диссертацияси сифатида ёзиб ёқланган.

Биз бу ерда мамнуният билан шуни қайд қиламизки, Ю.М.Сеидовнинг докторлик диссертациясида сўзлар бирикмаси билан гап ҳеч қористирилмайди. Фейли бирикмалар қақида гап борганда тусланган феъллар олинмайди, фақат "-моқ" формасидан фойдаланилади: Бир кул ачилмаг ила фасли банар олурмуда? Зонк Чалинмагна онларин сонботи зарбимчиг галди [11,78].

Сифатдош, равишдош, инфинитив (масдар) оборотлар ва уларнинг эргаш гаплардан фарқи туркологиядаги ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолардан биридир. Ю.М.Сеидов мана шу муҳим муаммо устида тўхтаб, бу борадаги фикрларни таҳлил қилади, шу билан бирга, ўз муносабатини билдиради. Масалан, сифатдош, равишдош, инфинитв оборотларнинг эргаш гап ҳам, эргаш гапнинг қисқартирилган (кесимлик кўрсаткичлари қисқартирилган) шакли ҳам эмаслигини таъкидлайди ва бу ҳақда ўз фикрини қуйидагича баён қилади: "Таким образом, обороты лишены основных, присущих предложению, в том числе придаточному предложению, признаков в особенности предикативности и свойственной предложению интонации. Ни смысловое, ни синтактическое положение, ни синтаксические связи, ни морфологическое оформление - ни один из этих аспектов не отождествляет обороты с придаточными предложениями. По своей семантике и роли в предложении они могут считаться грамматическими синонимами придаточных предложений" [11, 170] Ю.М.Сеидовнинг бу фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки синоним деган сўз, "ўрни келганда, ўринбосар бўлиши керак" мазмунини (маъносини) ифодалайди.

Сифатдош, равишдош, инфинитив оборотлар ҳеч вақтда эргаш гапларнинг ўрнини боса олмайди:

а) оборотлар ҳам сўзлар бирикмасининг бир тури бўлиб, номинатив характерга эга. Буни Ю. М. Сеидов ҳам тан олади;

б) оборотлар синтактик вазифаси жиҳатдан эргашган гап ҳам, эргаш гапнинг қисқартирилган формаси ҳам, эргаш гапнинг синоними ҳам эмас, у гапнинг иккинчи даражали бўлагидир;

в) эргаш гап бош гапни ёки унинг бирор бўлагини изоҳлайди, ҳеч вақтда иккинчи даражали бўлақлардек гапдаги бирор бўлақка эргашиб, уларнинг у ёки бу белгисини кўрсатиб келмайди;

г) эргаш гапли қўшма гапларни содда гапга ўтказиш мумкин, оборотли гапларни бундай ҳолатга келтириш мумкин эмас. Масалан, "Оқшом чоғи уйга кириб келган Хонзода эрини ошхонада кўриб "кўз тегмасин-ей" деб

кулмсиради." (Т.Малик) Бу гапда "оқшом чоғи уйга кириб келган" сифатдош оборот бўлиб, аниқловчи вазифасида қўлланади. Бу ёйиқ сифатловчи аниқловчи "Хонзода" деган эганинг белгисини кўрсатиб, унга эргашади: оқшом чоғи уйга кириб келган Хонзода. Бу оборотли гапнинг ўзи қўшма бўлмаса, уни содда гапга ўтказиш ҳам мумкинми? Ҳеч мумкин эмас.

СЎЗЛАР БИРИКМАСИНИНГ ҲОКИМ ЭЛЕМЕНТИ МАТЕРИАЛИГА КЎРА ТУРЛАРИ

Рус тилшунослигидан ўзбек тилшунослигига бир қанча сўз ва терминлар кирган. Шулардан бири "оборот" сўзидир. Бу сўз сўзлар бирикмасининг етакчи (ҳоким) элементига қўшилиб келиб, "сифатдош оборот", "равишдош оборот", "инфинитив оборот" деган бирикмалар ҳосил қилади. Бу ҳосилалар грамматик атамага айланиб кетган.

Оборот деганда, асосан, юқориди тилга олинган уч ҳолат назарда тутилади. 1958 йилларга келиб оборотлар сони яна биттага кўпайди.

Ғ.Абдурахмонов ўхшатиш эргаш гаплар ҳақида фикр юритиб, уни (ўхшатиш эргаш гапларни) бошқа категориялар билан қорштитирмаслиги - зарурлиги устида тўхтади ва шу борада "ўхшатиш оборот" терминини қўллайдилар. Бу ҳақда қуйидагича ёзадилар: "Ўхшатиш мазмунидаги эргаш гапларни ўхшатиш оборотлардан фарқлаш зарур. Ўхшатиш оборотлари, таркиблари қанча кенг бўлса ҳам, таркибларида эга ва кесимлари бўлмагани учун эргаш гап бўла олмайдилар. Ўхшатиш оборотларга мисоллар: Сиддиқжон, худди аллақачон уйғонган-у, шунга маҳтал бўлиб ётгандай, дарров ўрнидан турди. (А.Қаххор) Одамлар оёққа бирдан қалқиди. Гўёки шу дамда сўнмас қуёшдай Қахрамон Корея жанги балқиди. (Ҳ.Ғулум) Мана Ўктам ҳаяжонланиб, гўё бутун далани қучоқлагуси келгандай, қизғин ва баланд руҳ билан теримга кира бошлади. (Ойбек) [1,204] ...Келтирилган мисоллардаги, "шунга маҳтал бўлиб ётгандай", "гўё шу дамда сўнмас қуёшдай", "гўё бутун далани қучоқлагуси келгандай" бирикмаларининг оборот дейилишига биз қарши эмасмиз. Аксинча бошқа тилшунослардай бундай оборотлар йўқ-ку деб, ўтирмасдан, ўзбек тилининг ўз ички қонуниятига асосланган ҳолда ўктамлик қилиб бу атамани биринчи мартаба қўллаганлари учун хурсандмиз. Лекин, шу билан бирга, эътирозимиз ҳам бор: "сифатдош оборот", "равишдош оборот" деганда элементнинг грамматик томони ҳисобга

олинса, "ўхшатиш оборот" деганда семантик томон асосга олинади. Ана шу ерда терминлар уйғунлиги йўқ. Атамаларни уйғунлаштириб ё грамматик, ё бўлмаса, семантик хусусият хисобга олинмиши керак эди. Визнингча, грамматик томон асос олинса, тузук бўлар эди. Чунки - "-дей", "-дек" кўшимчалари билан ясалган сўзлар равиш [22,479; 23,340; 24,533]. Бу хил равишларнинг ёйиқ тури эса равиш оборотлар дейилади [19,41; 20,7]. Р.Расулов "Алпомиш" достони материаллари асосида сўзлар бирикмасини тобе ва тенг сўзли бирикмаларга (подчинительная связь слов, сочинительная связь слов) бўлиб ўрганadi. Тобе сўзлар бирикмаларнинг ҳоким элементини ифодаланиш материалига қараб, олтига бўлиб текширади:

а) отли бирикма: сизга қурбон менинг жоним, ... кўп қолмоққа, бор кучимни, шивир-шивир гап...;

б) феълли бирикма: зиндондан иргиди, ... кулиб боради, аллақаярга кетди, ... қайда бўласан;

в) сифатли бирикма: ...оламга машхур, ... элатида белгили, ... бундан бежабар;

г) равишли бирикма: юрагимда кўпдир, ...Алпомишдан кам эмас, ...;

д) олмошли бирикма: Чиборнинг ўзи, ... берадиган ҳеч нимам;

е) модал сўзли бирикма: бошимда бор, ... қаватимда йўқ.

Мураккаб сўзлар бирикмасига ҳам алоҳида эътибор берилади ва у беш гуруҳга бўлиб таҳлил қилинади:

1. а) оддий сўз бирикмаси+бир сўз: Бу сўз йиғилган қалмоқларнинг ҳаммасига маъқул тушди;

б) бир сўз+оддий сўз бирикмаси: Қоражоннинг етти қовурғаси синди.

2. а) мураккаб сўз бирикмаси+бир сўз: Ултонтоз сиз билан бирга юрган одамларнинг барини хизматга солди;

б) бир сўз+мураккаб сўз бирикмаси: ... қараса миниб кетаётган оти акасининг миниб кетган Чибор отига ўхшайди;

3. Оддий сўз бирикмаси + оддий сўз бирикмаси: Қалмоқ кетган ёлғиз боланг саломат... келди.

4. а) мураккаб сўз бирикмаси + мураккаб сўз бирикмаси: Ҳар қайсиси подшоликдан ҳар ойда беш юз сўм мойна олган зўр полвонлар;

б) оддий сўз бирикмаси + мураккаб сўз бирикмаси: Қалдиғоч ойимнинг туя боқиб юрганларига етди.

5. Мураккаб сўз бирикмаси + мураккаб сўз бирикмаси: Бўл элга янги келган ҳеч кимдан шашти қайтмай юрган одам - Войсари бир сўз айтиб турган экан [13, 9-20].

Туркологияда, шунингдек ўзбек тилшунослигида Р.Расулов мураккаб сўз бирикмаларининг эргаш гаплар билан қориштирилиш, қанузгача бу икки категория чегарасининг аниқ бўлмаслиги ҳақида фикр юритади, лекин улар чегарасини очишга уринмайди.

Р.Расулов диссертациясининг икки бобини тенг сўзли бирикмаларга бағишлаган. Бу бобда, асосан, "Алпомиш" достонида ишлатилган уюшиқ ва ажратилган бўлақлар устида тўхтайди. Ишмиизга у қадар алоқаси бўлмаганлиги учун биз бу ҳақда фикр юритмаймиз.

Бизнинг таҳлилимиздан ҳам аниқ кўриниб турибдики, Р.Расулов "Алпомиш" достони материаллари асосида сўз бирикмаларини атрофлича ўрганади, чуқур таҳлил қилади, илмий хулосалар чиқаради. Лекин ишда баъзи бир хатоларга ҳам йўл қўйилади. Жумладан, сўзлар бирикмаси билан гапнинг фарқига бормади, эгаси грамматик шаклланмаган барча гапларни, яъни бир составли (бир бош бўлақли) гапларни сўзлар бирикмаси қаторида кўради. Бундан "Зиндондан иргиди", "Кулиб боради", "Аллақаерга кетди", "қайда борасан", "...юрагимда кўпдир", "Сизга қурбон менинг жоним", "Алпомишдан кам эмас" [10, 13, 14, 16]. Биз юқорида келтирилган бирликлар сўзлар бирикмаси эмас, балки улар гапдир деймиз ва шу фикримизни Н.К.Дмитриевдан иқтибос келтириш билан мустаҳкамлаймиз: "Синтактик қурилиш икки хил бўлади. Бири сўз бирикмаси, иккинчиси гапдир. Буларнинг орасидаги фарқ фақат сон жиҳатдангина эмас, балки бошқа бир критериядадир. Уларнинг фарқини аниқлаш ниҳоят зарур, чунки техник жиҳатдан сўз бирикмаси ҳам, гап ҳам бир неча сўзлар комплексидан иборат. Лекин у сўзлар комплексининг ўзаро боғланиш принципи ҳар хил. Гап - шундай сўз группасики, у маълум тугалланган фикрни ифода этади ва у фикрдан маълум реал натижалар чиқаради... Эга билан кесим - гапнинг принципиал зарурий элементи... Эга ва кесим муносабатини ўзида акс этирмаган сўзлар бирикмаси гап бўла олмайди, у сўз бирикмаси бўлади." [9, 203]* Келтирилган иқтибосда кўрсатилганидек "Аллақаерга кетди", "Қайда борасан" каби бирликлар маълум бир нисбий фикрни ифодалайди, оҳанг тугаллигига ҳам эга. Эга - кесим алоқаси бор. Эга ифодаланмаган бўлса ҳам, у кесимнинг грамматик шаклидан сезилиб турибди.

Шундай қилиб, шахс-сон кўрсатувчи феъллар гап ёки гапнинг кесими бўлиб келади, лекин сўзлар бирикмасининг ҳоким элементи бўла олмайди.

*Биз Н.К.Дмитриевдан олинган иқтибос таржимасини Х.Комилованинг "Гапда сўзларнинг боғланиши" китобчасидан олдик. Тошкент, 1955. 7-бет.

Тошкент
AYBOROT MARKAZI
21366

O'zbekiston Respublikasi
Fakulteti
KUTUBXONASI

Кўп манбаларда сўзлар бирикмасининг ҳоким элементи сифатида от ва феъл кўрсатилади. Баъзи манбаларда уларнинг осси кўпайтирилади. Масалан, Р.Расуловнинг сўзлар бирикмаси ҳоким элементининг олти хилини қайд этганини юқорида кўриб ўтдик. Биз эса сўзлар бирикмаси ҳоким элементини, ифодаланиш материали жаҳтадан мавжуд турларига ўзгартиришлар киритиб, кенгроқ ўрганамиз. Булар қуйидагича:


1. Отли бирикма. Сўзлар бирикмасининг ҳоким элемент бўлиб келишда отнинг салмоқли ўрни бор. Чунки унинг ўзи кўп, ички кўринишлари ҳам анчагина.

От жонли ва жонсиз, аниқ ва мавҳум предметларнинг, ҳаракат ва ҳолат, шунингдек белги-хусусият кабиларнинг атамасидир. От сўзининг "ном" деган дублет синоними ҳам бор. Масалан, "ҳаракат номи", "белги оти" дейилади. Биз "ҳаракат номи"ни ҳам феъл группасида эмас, от группасида текшираемиз. Ана шу юқорида санаб ўтилган тушунчаларни ифодаловчи отларнинг ҳаммаси сўзлар бирикмасининг ҳоким элементи вазифасида кела олади. Албатта, бу вазифада уларнинг баъзилари унумли, баъзилари унумсиз қўлланади. Энди сўзлар бирикмаси ҳоким элементининг от билан ифодаланишини кўриб ўтамиз:

1) шахс отлари билан:

а) атоқли отлар билан: Мевачилик колхозининг бош агрономи Аҳмаджоннинг ютуғи ҳаммани қувонтирди (Газетадан)

3-мадвал




б) турдош отлар билан: Уни тўрт йирик мақсадлари йўлида суниестемол қилган тухматчиларни фож қилиш - бизнинг бурчимиз. (Ш.Рашидов);

2) ҳаракат отлари билан. Мазлумки, ҳаракат отлари "-(и)ш", "-(у)в" сингари аффикслар ёрдамида феъл ўзагидан ясаллади: ўқи-ўқиш,

ишла-ишлаш, ёз-ёзув каби. Феълда биргалик даража бор. Мана шу биргалик даража билан ҳаракат отининг [- (и)ш] бошланғич кўриниши бир хил: бо-риш, келиш, ўқиш, ишлаш.....

Хўп, бу сўзларни ҳаракати оти дейиш керакми ёки биргалик даража дейиш керакми? Иккаласидан бирини ҳам айтиш мумкин эмас. Бу сўзларнинг ҳаракат оти ёки биргалик даража эканлиги қўшимчалар ёрдамидагина аниқланади. Яъни келишник, эгалик қўшимчалари қўшилса, ҳаракат оти; тусловчи қўшимчалар қўшилса, биргалик даража бўлади:

4-жадвал



Биз энди биринчисининг ҳоқим элемент бўлиб келишига мисоллар келтирамиз: Шайбонийхоннинг ўғли Темур Султон, жиъни Убайдулло Султонлар шоҳ элчисига иложи борича яхши муомала қилишни, унга ширин гаплар айтиб, шоҳга совға-саломлар юбориб, уни Самарқанддаги Султон Али Мирзо ва Тошкентдаги Маҳмудон каби ғафлатда қолдиришни, кейин пайти келганда ўшаларга ўхшатиб йўқ қилиб юборишни истар эдилар. (П.Қодиров)

Сифатдошларнинг турланган кўринишлари ҳам (ўқиганим, ўқиганига,...) ҳаракат отлари жумласига киради: Ҳар ҳолда шу тўққиз кунлик оғир бир жангнинг жуда катта қувонч билан яқунлангани аниқ эди. (А.Мухтор)

3) белги отлари билан: Амакиларим, ака-укаларимнинг бу яхшиликла-

рини, меҳрибонликларини ҳеч қачон унутмасман. (Газетадан) Олтинсойликлар кўл қовуштириб ўтирадиганлардан эмаслигини ўзинг ҳам биласан-ку! (Ш.Рашидов)

4) товушга тақлид отлари билан. Туркологияда, жумладан, ўзбек тилшунослигида сўз туркумлари етарли даражада ишланмаган, ҳалигача муаммолигича турибди. Сўз туркумларини тақлил қилиш ҳозирча бизнинг вазифамизга крмайди. Лекин шундай бўлса ҳам, сўз туркумлари кусусиятидан келиб чиқиб тақлидий сўзларни от деб атадик ва унинг ҳам ҳаракат ва белги отларидек сўзлар бирикмасининг етакчи элементи бўлиб келишига шубҳамиз йўқ: Бир ҳафтадан бери подъездимизда давом этаётган тақ-туқ ҳеч тинчлик бермайди. ("Оила ва жамият" газетасидан)

2. Сифатли бирикма. Сифатли бирикмалар отли бирикмаларга қараганда анча кам учрайди ва уларнинг доираси ҳам тор, яъни икки, узоғи билан уч-тўрт сўздангина иборат бўлади. Масалан: Оташ-дукчи олтишларга яқин, бурушиқ юзидаги кўзлари теран жойлашган, елкаси чиқик, кўркем оплоқ соқолли қовжироқ бир чол. (Ойбек) Почтахона қаторидаги бу бир қаватли, ромсиз деразали уй илгари магазин эди. (А.Мухтор)

3. Сонли бирикма. Соннинг сўзлар бирикмаси доирасида кўлами жуда тор. Тўпланган мисолларимизда "Ҳар доим биринчи бўлиб келади" сингари уч-тўртта мисол учради, холос. Бу мисолда "биринчи бўлиб" равишдошдир. Шу равишдошнинг биринчи элементи - сон (биринчи), иккинчи элементи - феъл (бўлиб). Биринчи элемент асосий элемент бўлганлиги учун уни феълсиз ҳам қўллаш мумкин: У ҳар доим биринчи келади каби. Бу ерда яна шунини айтиш керакки, "ҳар доим" элементи синтактик жиҳатдан "келади" элементига эргашадими ёки "биринчи бўлиб" элементига эргашадими? Агар у "келади" элементига эргашади десак, сўзлар бирикмаси ҳақида гапириб бўлмайди, у йўқ, мавжуд эмас. Агар "ҳар доим" "келади" элементига эмас, "биринчи" элементига эргашади десак, сўзлар бирикмаси бор, у мавжуд. Бизнингча, кейингиси тўғри. Чунки "келади" элементи ифода этган ҳаракат реал факт, "ҳар доим" элементининг бу реал фактга алоқаси йўқ. "Ҳар доим" элементи "биринчи" элементи маъносини реаллаштиради. Шунга кўра у "биринчи" элементига эргашиб, сўзлар бирикмасини ҳосил қилади.

Соннинг бошқа турларини сўзлар бирикмаси ҳосил қилишда иштирок этиши деярли кўзга ташланмади. Келишиклар билан турланган сонлар (ўнга, ўндан, ўннинг...) бундан мустаснодир, чунки улар от туркумига ки-

ради.

4. Олмошли бирикма. Олмошли бирикмалар ҳам анча кам қўлланади. Олмошнинг баъзи турлари, масалан, кишилик олмошлари сўзлар бирикмаси ҳосил қилишда деярли иштирок этмайди. Кам бўлса ҳам ўзлик, бўлишсизлик каби олмошлар баъзан сўзлар бирикмасининг етакчи элементи бўлиб келади. Ўзлик олмоши, кўпинча, қаратқич-қаралмиш ҳолатида бўлади: Сенга арзигулик ҳеч нима йўқ. Сенга берадиган ҳеч нимаси йўқ. ("Тулистон" ж.) Бу боғда фақат катта ақамнинг ўзлари ишлайдилар.

5. Равишли бирикма. Маълумки, равишларнинг тарз, пайт, ўрин, мақсад, сабаб (ноилож,...) каби турлари бор. Шулардан тарз, миқдор, пайт ва ўқшатиш равишлари, унумсиз бўлса ҳам, сўзлар бирикмаси вужудга келишида иштирок этади: "Автобус поезддан тез юрди. Сендан кўп ишлади. ("Мустум") ... тиниқ шишадай ўта кўриниб турган ҳусайнининг ичидаги уруғини санагандай ҳар бир донасига тикилди. (А.Мухтор)

1. Кўп адабиётларда "-дан кейин", "-дан илгари" бирликларида "кейин", "илгари" сингари сўзлар кўмакчи дейилади. Биз буларнинг кўмакчилигига шубҳаланамиз. Чунки кўмакчи, албатта, бирор сўздан кейин келади, ўзидан олдин келган сўз билан бир бутунлик ҳосил қилади. Кўмакчи мустақил ҳолда қўлланмайди. Кейин, илгари каби сўзлар эса мустақил ҳолда ишлатилади. Жумладан, "Ҳаммадан кейин кетди", "Улар кетди, кейин бу кетди" дейиш ҳам мумкин. Савол-жавобда бу ҳолат яққол кўринади:

- Қачон кетди?
- Кейин кетди. Кейинроқ кетди.
- Кимдан кейин кетди?
- Улардан кейин кетди.

Кўмакчилар, кўпинча, ўзидан олдинги сўзлар билан ёнма-ён келади.

Пайт равишлари ва "-дан" шаклидаги сўзлар ўртасида эса бошқа сўзлар ҳам қўлланади. Бундан бир неча кун илгари Отабекка ўз қизини бериб кувв ҳам қилибдир. (А.Қодирий) Биринчи мажлисимиз бундан бир ой чамаси бурун Зиё ака деганнинг уйида, иккинчиси (қутидорга имо қилиб) бу китиникида бўлган эди. (А.Қодирий)

Ана шу ҳолатларни назарда тутиб "-дан кейин", "-дан сўнг" сингари бирликларда "кейин"ни кўмакчи эмас, балки пайт равишидир деймиз ва бу хил бирликларини (ҳаммадан кейин...) сўзлар бирикмаси деб биламиз. Шунини ҳам айтиш керакки, "кейин", "сўнг" сингари сўзлар, ўрнига қараб, кўмакчи вазифасида қўлланади. Масалан, "онаси тикувчи бўлганидан кейин қизи ҳам бу ҳунарни осонгина ўрганади-да" гапида "кейин"ни пайт равиши


деб бўлмайди. У сабаб маъносининг англашилишига ҳисса қўшувчи кўмакчидир. Равишнинг бошқа турлари сўзлар бирикмаси ҳосил қилишда деярли иштирок этмайди.

6. Равишдошли бирикма. Равишдошнинг "-(и)б", "-гач", "-гунча", "-гани", "-а", "-й" сингари қўшимчалар билан ясалувчи турлари бор. Равишдош бу турларининг ҳаммаси сўзлар бирикмасининг етакчи элементи бўлиб кела олади. Албатта булар ҳаммаси етакчи (ҳоким) элемент вазифасида бир текис қўлланмайди. Улардан бири, масалан, "-(и)б" шаклидаги равишдош унумли, бошқалари эса нисбатан унумсиз ишлатилади. Энди буларни мисоллар билан далиллаймиз:

1) "-(и)б" шаклидаги равишдош: Ахмадхон бўш лаганны дастурхон билан кўтариб қушбеги кирган эшиқдан чиқди. (А.Қодирий) Башорат унинг кўкрагидан сирғалиб ерга тушди. (А.Мухтор) "Ойқиз, даданг чинаккам ва оғир жангда мардонавор курашиб ўлди". (Ш.Рашидов);

2) "-й" шаклидаги равишдош: У ўз уйида ўтирганда ҳам устидаги атлас кўйлақ билан адрас мурсаги, оқ шойи дакани билан қаҳрабо тасбиҳни кўймай, қиш кунлари танчада пар ёстиққа суяниб, ёз кунлари айвоннинг тўрида ясланиб Ҳасаналининг хотини бўлган Ойбодоққа, чўри қиз Ҳанифага ҳамирни ачитмасликни, паловни қирмоч олдирмасликни танбеҳлабгина ўтирар эди. (А.Қодирий) Бу гапдаги сўзлар бирикмасини осонроқ тушуниш учун унинг схемасини чизиб кўраимиз:

5-жадвал



3) "-а" шаклидаги равишдош: Кеча редакциядан келтирилган мана бу қоғозларни кўчира-кўчира чарчадим. ("Муштум"):



4) "-гач" шаклидаги равишдош: Ёшлиқда ўқиб билим олмагач, бирор ҳунар ўрганмагач, кексалиқда хор бўлади-да киши. (Газетадан);

5) "-гунча" шаклидаги равишдош: Сенга қуллуқ қилиб тиз чўкқунимча тик туриб ўлганим яхшироқ. ("Ўзбек халқ эртақларидан");

6) "-гани" шаклидаги равишдош: Сиз билан маслаҳатлашгани келдим.

7. Сифатдошли бирикма. Сифатдош ҳам, худди равишдошдек, турли хил қўшимчалар ёрдамида ҳосил бўлади. Жумладан, "-ган", "-(а)р", "-(у)вчи" аффикслари сифатдош ясовчилар жумласига киради. Бу хил шакллардаги сифатдошлар ҳам сўзлар бирикмасида етакчи элемент бўлиб келади:

1) "-ган" шаклдаги сифатдош: Мовароуннаҳрдаги ғалаёнлар ва хон саройидаги ички низолардан хабар топган Шох Исмоил бу қулай фўрсатдан фойдаланиб қолишга интилди. (П.Қодиров);

2) "-(а)р" шаклидаги сифатдош: Дарахтзорлар орасидаги тез оқар сув бўйида ўтирсангиз дардингиз енгиллашади. (Газетадан);

3) "-(у)вчи" шаклидаги сифатдош: Элмурод бу ерга келувчи меҳмонларнинг ҳаммасини таниб олди. (П.Турсун)

8. Инфинтивли бирикма. Бу бирикма ҳозирги ўзбек адабий тилида жуда кам ишлатилади, лекин тарихий асарларда унумли қўлланади: кундузи ўқиб, кечки сменада ишламоқни орзу қилади. (Газетадан) Ҳироту Самарқандга бўйсунмай, мустақиллик даъво этаётган Амирак Аҳмадни йўқо-

тиб, ўрнига ўз ўғилларидан бирин кўймоқ, Фарғона вилоятини тобе этмоқ, Шохруҳ салтанатини мавқеини кўтаришда ғоятда муҳим масала эди. (Мир-муҳсин)

Сифатдошнинг "-ган" шаклдаги тури сўзлар бирикмаси ҳосил қилишда унумли қўлланади ва унинг доираси ҳам кенг, яъни кўп элементли ҳам бўлади. Сифатдошнинг "-(а)р", "-(у)вчи" шаклларидаги турлари эса сўзлар бирикмаси ҳосил қилишда унумсиз ишлатилади ва унинг доираси ҳам анча тор, кўпинча, икки элементли бўлади. Бизнингча, бунинг асосий сабаби "-ган" шаклдаги сифатдошнинг, кўпинча, феълга, "-(а)р", "-(у)вчи" шакллардаги сифатдошларнинг, кўпинча, от ва сифатга мойил бўлишидир. Ҳоким элемент билан, учун, ҳақида сингари кўмакчилар билан қўлланиши ҳақида ҳам фикр баён қилиш керак.

Бу ерда яна шуни қайд қилиш керакки, равишдошли ва сифатдошли бирикмалар (равишдош ва сифатдош оборотлар), кўпинча, эргаш гаплар билан қориштирилади. Натижада мактаб грамматикасида ҳам, илмий грамматикада ҳам ишончсизлик туғилишига сабаб бўлади, илмий ишлар ёзишда ҳам бу чалкашликка дуч келиб қолинса, катта қийинчиликлар туғилади. Кўринадикки, равишдошли ва сифатдошли бирикмалар билан эргаш гапларнинг чегарасини аниқлаш зарур. Биз бу ҳақда ишимизнинг кейинги қисимларидан биринда, аниқроғи, "сўзлар бирикмасининг бошқа категориялари билан муносабати" қисмида фикр юритмоқчимиз.

СЎЗЛАР БИРИКМАСИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ БИРИКТИРУВЧИ ВОСИТАЛАР

Сўзлар бирикмасининг иштирок этиш-эмаслигига кўра гап иккига бўлинади:

- а) сўзлар бирикмаси иштироксиз тузилган гаплар;
- б) сўзлар бирикмаси иштирокида тузилган гаплар;

Биринчисида сўзлар бирикмаси гап қурилишида қатнашмайди. Гап сўзлар бирикмасисиз тузилади. Масалан, куйидаги парчаларда сўзлар бирикмаси йўқ:

1. Ойбодоқ кета бошлаган эди. Отабек уни тўхтатди: меникини ҳам ўша ерга олиб келинг деди. Ойбодоқ Ўзбек оймга қаради. Ўзбек ойм ўғлига хўмрайди. (А.Қодирий)

2. Кун совуқ. Куёш дам очилиб, кўнгилларни ёритиб юборади, дам

ёпилади-да, тумшайиб олади. Кун совуқ, лекин бозор қайнайди... У дукни ғув-ғув айлантиради... дукни кўзларига яқин тутади, синчиклаб қарайди, тагин уни силлиқдай бошлайди. (Ойбек)

3. У ҳарфларни атайлаб битта-битта ўргангани йўқ. (А.Мухтор)
Ойнинг яхшими, Верочка, келмайман деган эди, келмади ҳам... Вазорат умивальник ёнида юзига совун суркаб турган эди. (А.Мухтор)

Юқоридаги матнлар содда ва қўшма гаплардан иборат бўлиб, уларнинг таркибида сўзлар бирикмаси йўқ.

Маълумки, гап элементлари сўз формалари, ёрдамчи сўзлар, тартиб ва оҳанг ёрдамида ўзаро бириқади. Келтирилган мисолларда гап элементлари келишик, эгалик, шахс-сон қўшимчалари, юклама, боғлама кабилар ёрдамида ўзаро бириккан. Бу гапларда сўзлар тартибининг ролини ҳам кўрамыз. Жумладан, "Отабек уни тўхтатди" гапида сўзлар тартибини ўзгартириш қийин эмас: Уни тўхтатди Отабек. Отабек тўхтатди уни каби. Лекин "У дукни ғув-ғув айлантиради" гапида тартибни ўзгартириб: "У айлантиради дукни ғув-ғув", "У дукни айлантиради ғув-ғув" дейиш ғайри табиийга ўхшаб кўринади.

Сўзлар бирикмаси ҳам, асосан, шу юқоридаги хусусиятларга эга. Яъни сўзлар бирикмасининг элементлари ҳам келишик қўшимчалари кўмакчи, боғловчи, юклама кабилар ёрдамида ўзаро бириқади:

1. Сўзлар бирикмасининг элементлари келишик қўшимчалари ёрдамида ўзаро бириқади:

1) бош келишик: Маълумки, бош келишик ҳақида турли хил фикрлар мавжуд: а) бош келишикдаги сўз эга вазифасида келади (бу анъанавий фикр); б) бош келишикдаги сўз эгадан бошқа вазифаларда ҳам келади. Бунда белгисиз тушум, қаратқич, жўналиш (Бозор бориб кел каби) сингари келишиклар назарда тутилади.

Кейинги фикр тарафдори бўлган С.Солиев бош келишикдаги сўзнинг синтактик вазифасини қуйидагича кўрсатади:

1. Гапда эга бўлиб келади: Болалар, аёллар, қариялар узлуксиз келиб турардилар. (П.Турсун)

2. Кесим бўлиб келади:

а) ўзи кесим бўлиб келади. Масалан: Ўзбек тилининг ҳимоячиси - Алишер Навоий;

б) қўшма кесимнинг от қисмини ташкил этади. Масалан: У инженер бўлди. Нафиса аълочи эди.

3. Бу келишик қаратқич, тушум ва баъзан ўрин келишикларининг вазифасини бажариши ҳам мумкин. Масалан: У кўп вақт кўмита номидан ке-

либ, муҳим топшириқларни бажарди. (А.Мухтор) Қизларга яқинроқ турган Пахомич уч-тўрт марта қизларга луқма ташлади ва қўнғизларнинг зинғиллаши ўрнига бочка ортган бричкаларнинг тақир-туқури эшитилди. (А.Мухтор) Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда. (Мақол)

4. Бош келишиқдаги от галда изоҳловчи бўлиб келади. Масалан: Шахсий биринчилиқни спартакчи К.Ларин, динамочи А.Колмиқо иккинчи ўринни олишга муваффақ бўлдилар. [16, 14-15]

Биз С.Солиевнинг фикрини тўлдириб, бешинчи қилиб ундалмани ҳам қўшамиз, чунки ундалма ҳам бош келишиқ формасида бўлади:

Сайра, тўрғай, жон тўрғай,
Сайрасанг, кўнглим тўлғай

(Ш.Саъдулла)

Ташкил топиб сўзларим,
Бахтим кулар китобдан
Шунинг учун дейманки,
Китоб, менинг дўстимсан

(З.Диёр)

Шундай қилиб, биз ҳам грамматик кўрсаткичи бўлмаган отлашган сўзлар, шунингдек олмошларни бош келишиқ шаклида деб тушунамиз.

Сал чекиниш бўлса ҳам, С.Солиевнинг баъзи бир фикрларига норозилиқ билдирамиз.

Иккинчи пунктнинг "б" бандида "Қўшма кесимнинг от қисмини ташкил этади деб" "у инженер бўлади", "Нафиса аълочи эди" сингари мисоллар берилади. Бу мисоллардаги "инженер бўлди", "аълочи эди" бўлақлари шубҳасиз кесимдир. Лекин уларни қўшма кесим деб бўлмайди, уларнинг ҳар бири битта кесим. "Бўлди", "эди" элементлари эса отларни кесим шаклига киритувчи боғламалардир. "Қўшма кесим" деганда иккита ёни ундан ортиқ кесимларнинг бирлашиб, битта кесим бўлиб келиши тушунилади. Агар шундай бўлмаса, бу ҳақда сўз юритиш мумкин эмас. Бизнинг тушунишимизча, қўшма эга, қўшма кесим, қўшма иккинчи даражали бўлақлар бўлмайди. Уларнинг ифодаланиш материаллари қўшма бўлиши мумкин.

Учинчи пунктда бу келишиқ қаратқич, тушум ва баъзан ўрин келишиқларнинг вазифасини бажариши ҳам мумкин дейилади, тушум келишиқига

"Қизларга яқинроқ турган Пахомич уч-тўрт марта луқма ташлади" мисолини келтиради. Бу мисолда "луқма" сўзи назарда тутилади ва у тушум келишигида деб фараз қилинади. Бу фараз тўғри эмас: биринчидан, грамматик кўрсаткичсиз тушум (шунингдек бошқа келишикларни ҳам) келишигини грамматик кўрсаткичли шаклга келтириш мумкин. Масалан: китоб ўқидим, китобни ўқидик сингари. Келтирилган мисолдаги "луқма" сўзига тушум келишиги кўшимчасини қўшиш мумкин эмас, яъни "луқмани ташлади" деб бўлмайди. Иккинчидан "луқма ташлади" икки сўздан ташкил топган битта кесимдир, бу кесим эса кўчма маънога эга.

Бу чекинишдан кейин асл фикримизга қайтиб, сўзлар бирикмасининг элементлари бош келишик ёрдамида бирикади, деймиз ва қуйидагича мисоллар берамиз: Янги суғориш системасига кўчилиши муносабати билан бу участкада шоҳариқлар йўқотилиб, вақтинча ариқлар, ўқариқлар қолдирилган эди. (И.Раҳим) Бу мисолда "янги суғориш системасига кўчилиши муносабати билан" сўзлар бирикмаси бўлиб, унинг биринчи даражали ҳоким элементи "муносабати билан"дир. "Системасига" элементи эса иккинчи даражали ҳоким элемент бўлади. Бирикма таркибидаги "суғориш" ва "кўчилиши" сўзлари тобе элементлар бўлиб, ўз ҳоким элементлари (системасига, муносабати билан) билан бош келишик шаклида синтактик алоқага киради, бирикади. Ҳоким элементлар таркибидаги эгаллик кўшимчалари (-си,-и) "суғориш", "кўчилиши" сўзларининг белгисиз қаратқич келишигида эканлигини кўрсатади:

суғоришнинг системаси
кўчилишнинг муносабати

Бу ерда шуни ҳам таъкидлаб айтиш керакки, баъзан келишик кўшимчаларини тўлиқ қўллаш, яъни шакллантириш услуб раволигини бузишга олиб келади. Бу ҳолатни юқорида таҳлил қилинган мисолда кўриш мумкин. Янги суғоришнинг системасига кўчилишининг муносабати билан бу участкада шоҳариқлар йўқотилиб, вақтинча ариқлар, ўқариқлар қолдирилган эди каби.

Анъанавий грамматикамизда келишиклар белгилли бўлса, тингловчига маълум бўлган предмет, ҳодиса-воқеалар ҳақида гап боради, агар улар белгисиз бўлса, номаълум, аниқ бўлмаган нарсалар ҳақида гап боради дейилади. Бу тўғри фикр. Лекин бу фикр ҳамма вақт ҳам, ҳар ерда ҳам ҳақиқатга мос келавермайди, айниқса, юқоридаги каби мисолларда. Ана шу сингарий масалалар махсус ўрганилишни талаб қилади.

Сўзлар бирикмасида эгани кўрсатувчи, эгани тасдиқловчи бош келишиқ ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

2) қаратқич келишиғи: Номи тилларда дoston бўлган рус олимнинг келишини Феруза сабрсизик билан кутди. (Ҳ.Ғулом) У ер-бу ерда қаққайган азим тун ёнғоқларнинг яланғоч шоҳларида қарғалар мунғайиб ўтирибди. (Ҳ.Ғулом)

Келтирилган мисолларнинг биринчисида "номи тилларда дoston бўлган рус олимнинг келиши", иккинчи мисолда "у ер-бу ерда қаққайган азим тун ёнғоқларнинг шоҳларида" сўзлар бирикмаси бўлиб, улардаги қаратқич келишиғи шаклидаги "олимнинг" "келиши" ҳоким бўлағи билан, "ёнғоқларнинг" "шоҳларида" ҳоким бўлағи билан синтактик алоқага киради, шу билан улар ўзаро бирикади;

3) тушум келишиғи: биз ана шу янги ҳаётнинг кириб келишини кузатиб ўтирмай, унга ўзимиз дадил кириб боришимиз керак, яшашнинг маъноси шу! (И.Раҳим) ...Қизил баҳмал ёпилган узун стол, юмшоқ креслолар, бўёғи қуюқ қимматбаҳо суратлар ва ранг-баранг телефон аппаратларини қоплаган чанг дафъатан кўзга ташланди. (Ҳ.Ғулом)

Бу мисолларнинг биринчисида, "ана шу янги ҳаётнинг кириб келишини кузатиб ўтирмай" ажратилган равиш ҳоли бўлиб, у "кириб боришимиз керак" кесимига эргашади. Бу ёйиқ равиш ҳолининг етакчи (ҳоким) элементи "кузатиб ўтирмай" сўзларидир. Ана шу етакчи элемент ўзидан олдинги бирликларни тушум келишиғи қўшимчаси "-ни" ёрдамида бошқаради. Тушум келишиғи қўшимчаси "-ни" бўлмаса, сўзларнинг ўзаро бирикиш жараёни юз бермайди. Иккинчисида "қизил баҳмал ёпилган узун стол", "юмшоқ креслолар", "бўёғи қуюқ қимматбаҳо суратлар", "ранг-баранг телефон аппаратларини" сўзлар бирикмаси бўлиб, улар уюшиқ ҳолда қўлланган. Бу уюшиқ сўзлар бирикмасининг охириғиси (ранг-баранг телефон аппаратларини) тушум келишиғи билан таъминланган. Ана шу тушум келишиғи қўшимчаси "-ни" барча сўзлар бирикмасини "қоплаган" деган ҳоким бўлак билан бириктиради. Агар тушум келишиғи қўшимчаси бўлмаса, сўзлар бирикмаси ўз ҳоким элементи билан семантик-синтактик боғланмайди;

4) жўналиш келишиғи: Ахир, унинг бундай аҳволга тушишига дўстлар маслаҳатига қулоқ солмагани сабаб бўлмадиғи? (Ҳ. Ғулом)

Шахсий ҳаётингизга аралашмоқчи бўлганим учун кечирасиз, -деди Ашир-рали, қизга сокин кўзларини тикиб. (Ҳ.Ғулом)

...шу дақиқада ўша юдузлардан бирига айланишни ердағилар орзу қиладиган учкун бўлиб ёнишни орзу қиларди. (Ҳ.Ғулом)

Бу ерда аввал шунини эслатиш лозимки, ҳар бир сўзнинг грамматик

кўрсаткичи ўзидан кейинги сўз билан бўлган синтактик алоқани кўрсатади, олдинги сўз учун у (грамматик кўрсаткич) аҳамиятсиздир. Ана шу асосда гапларни таҳлил қиламиз.

Биринчи мисолда иккита сўзлар бирикмаси бўлиб, уларнинг ҳоким-тобе элементлари жўналиш келишиги қўшимчаси "-га" орқали семантик-грамматик томондан бирикади:

- а) унинг бундай аҳволга тушиши;
- б) дўстлар маслаҳатига қулоқ солмагани.

Конструкцияларни (бирликларни) бир-бири билан қориштириб юбормаслик учун шунини айтиш керакки, "тушиши" сўзнинг жўналиш келишигида бўлиши сўзлар бирикмасининг кесим билан боғлиқ эканлигини кўрсатади: унинг бундай аҳволга тушишига сабаб бўлмадими? Бу ерда қизиқ бир ҳолатни кўрамиз: биринчи сўздаги "-га" қўшимчаси (аҳволга) сўзлар бирикмасини вужудга келтирса, иккинчи "-га" қўшимчаси (тушишига) гапни вужудга келтирбди, сўзлар бирикмаси категория сифатида эмас, балки оддий сўзлар бирикмаси сифатида гап таркибига киради. Бунга асосий сабаб "тушиш" сўзининг шу гап қурилишида мустақил ҳолда қўлланмаслигидадир. Ўзидан олдинги сўзлар билан бир бутунлик ҳосил қилиб, тўғридан-тўғри кесим билан синтактик алоқага киришидадир. Сўзлар бирикмаси категория сифатида кесим билан эмас, балки гапнинг бошқа бўлаклари билан (эга, тўлдирувчи, ҳол ва аниқловчи, ундалма) синтактик алоқага киради. Демак, сўзлар бирикмаси кесим билан бевосита эмас, бавосита синтактик алоқада бўлади.

Иккинчи мисолда "шахсий ҳаётингизга аралашмоқчи", учинчи мисолда "...шу дақиқада ўша юлдузлардан бирига айланиш" жўналиш келишиги қўшимчаси "-га" ёрдамида ҳоким сўз билан бирикувчи сўзлар бирикмасидир;

5) ўрин келишиги: Кечаси Ҳусайн Байқаронинг кўзидан уйқу қочиб, Алишер билан бирга ўтказган болалик даврини, Абулқосим Бобир саройида хизмат қилиб юрганларини эслади. (М.Осим)

Газ плита устидаги жажжигина чўян қозонда доғ бўлаётган жувоз ёғининг чучмал дуди димоғига уриб, аччиқ тутуни кўзларини ёшлади. (Ҳ.Ғулوم)

Войқушлар уяси бўлган икки туп чинорнинг қаршисида гумбазга рўбарў-рўбарў қилиб солинган айвон-зиёратхона бор, аммо ой тик кўтарилганликдан зиёратхона ичи қоп-қоронғу эди. (А.Қодирий)

Келтирилган мисолларнинг биринчисида "Абулқосим Бобир саройида" сўзлар бирикмасининг тобе элементи бўлиб, ўрин келишиги қўшимчаси

"-да" ёрдамида 'хизмат қилиб юрганини' ҳоким бўлагига (тўлдирувчига) эргашади. Иккинчисида "газ плита устидаги жажигина чўян қозонда" сўзлар бирикмасининг тобе элементи бўлиб, "доғ бўлаётган" аниқловчи билан синтактик алоқага киради. Агар шу келишик қўшимчалари ишлатилмаса, синтактик алоқа бузилади.

Учинчи мисолда "Бойқушлар уяси бўлган икки туп чинорнинг қаршисида" деган сўзлар бирикмаси эса ўрин келишиги қўшимчаси "-да" ёрдамида "солинган" деган сифатловчи аниқловчига эргашади. Бу аниқловчи ўз навбатида эгага (айвон-зиёратхона) эргашиб келади;

б) чиқиш келишиги: Подшонинг Навоий уйида уч кун ўтиришидан мақсади шоир унинг яқин одами бўлганлиги, шоирнинг орқасида боғчаси бўлган данғиллама ҳовлисига, боғ-роғлари, ер-сувларига меросхўр эканини кўрсатиш эди. (М.Осим) Ҳасанали Отабекнинг ҳар бир сирига ўзини маҳрам ҳисоблаганликдан, дарҳақиқат Отабекка маҳрам бўлишга лойиқ бир меҳрибонликка эга бўлганлигидан бек билан очиқ сўзлашиш фикрига келди. (А.Қодирий)

Юқоридаги мисолларнинг биринчисида "подшоҳнинг Навоий уйида уч кун ўтиришидан" сўзлар бирикмасининг тобе элементи, бирикманинг ҳоким элементи "мақсади" сўзи бўлиб, у эга вазифасида келади. Бирикмадаги ҳоким - тобе элементлар ўзаро чиқиш келишиги қўшимчаси "-дан" орқали бириккандир.

Иккинчисида, "Отабекнинг ҳар бир сирига ўзини маҳрам ҳисоблаганликдан", "Отабекка маҳрам бўлишга лойиқ бир меҳрибонликка эга бўлганликдан" сўзлар бирикмасининг тобе элементлари бўлиб, "сўзлашиш" ҳоким элементидир. Бу икки элемент ўзаро чиқиш келишигининг қўшимчаси "-дан" ёрдамида синтактик алоқага киришади.

2. Сўзлар бирикмасининг элементлари эгалик қўшимчалари ёрдамида ўзаро бирикади. Маълумки, қаратқич келишиги билан эгалик қўшимчаси узвий боғлиқ бўлиб, қаратқич келишигидаги сўз олдин, эгалик қўшимчасини қабул қилган сўз ундан кейин келади, эгалик қўшимчаси кейинги сўзда бўлса ҳам, олдинги сўз билан бирга сўзлар бирикмаси ҳосил қилишда муҳим роль ўйнайди. Масалан: 1) ...бир даялича (барқатча)ни олиб чиқди, ошхонага кириб олов пуфлайдиган қамиш найни олди, сўнгра дарахт шохидан иккита кипчинни синдириб, буларнинг ҳаммасини супага олиб борди, (С.Айний) ...Отам ва бошқаларнинг акам билан Эргашни ахтариб ҳар томонга югуришлари ногора чалишга халал етказди. (С.Айний)

Келтирилган мисолларнинг биринчисида "дарахт шохидан", "буларнинг ҳаммасини", иккинчисида "отам ва бошқаларнинг югуришлари" сўзлар би-

рикмаси бўлиб, улардаги ҳоким тобе элементларнинг синтактик алоқага киришида эгалик қўшимчаларнинг роли бор. Бошқача қилиб айтсак, бу сўзлар бирикмасининг тобе элементлардаги эгалик қўшимчалари олиб ташланса, сўзлар бирикмаси бутунлигига путур етади, сўзларнинг синтактик алоқага кириши бузилади.

3. Сўзлар бирикмасининг элементлари ёрдамчи сўзлар воситасида бирикади: кўмакчилар воситасида. Кўмакчилар иккинчи даражали бўлакларни кесим билан боғлайди. Масалан, "Ойқиз колхозчиларга ёрдам бериш учун синфдошлари билан баҳорига жўнади" гапида "колхозчиларга ёрдам бериш" сўзлари бирикмаси. Бу сўзлар бирикмаси жўналиш келишиги қўшимчаси "-га" ёрдамида шаклланган. "Учун" кўмакчиси "ёрдам бериш" сўзини (қўшма сўз) кесим (жўнади) билан боғлаб, гап ҳосил қилади: ёрдам бериш учун жўнади каби.

Кўмакчилар худди шунингдек сўзлар бирикмасини ҳосил қилишда ҳам иштирок этади. Буларни мисоллар ёрдамида кўриб ўтамиз;

1) "учун" кўмакчиси: Халқни қўрқитиш ва одамларга ибрат бўлсин учун гуноҳсизларни осий, сўйиш, бўғиш ҳосил тусига кириб қолган эди. (Ж.Шарипов) Қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини ошириш учун кураш кенг қулоқ ёйди. (Газетадан) Улар ўзларига, ўз ерларига, ўз уйларига ҳаёт суви келтириш учун, сувнинг баракали неъматини билан бахтиёр бўлиш учун курашга борадилар. (М.Исмоилов) Келтириган мисолларнинг биринчисида "халқни қўрқитиш ва одамларга ибрат бўлсин учун" сўзлар бирикмасининг тобе элементи бўлиб, у ўзининг ҳоким элементлари (осий, сўйиш, бўғиш) билан, иккинчисида "қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини ошириш учун" сўзлар бирикмаси бўлиб, у ўз ҳоким элементи (кураш) билан "учун" кўмакчиси ёрдамида синтактик алоқага киради. Учинчи мисолда эса иккита "учун" кўмакчиси синтактик алоқани йўлга қўяди:

а) ўзларига, ўз ерларига, ўз уйларига ҳаёт суви келтириш учун борадилар;

б) сувнинг баракали неъматини билан бахтиёр бўлиш учун кураш.

Биринчи "учун" гап ҳосил бўлишига ҳисса қўлса, иккинчи "учун" сўзлар бирикмасининг тобе ва ҳоким элементларини ўзаро бириктиради;

2) "туфайли" кўмакчилари: ...қишлоғимиздан кетган уч юз йигит ҳам тезроқ қайтаркан, э, бориники, шу кеча-кундузда авж олиб бораётган очарчилик ҳам мана шу замбарак туфайли даф бўлиши мумкин экан. (Х.Тўхтабоев);

3) "сабабли", "сабабдан", "мақсадида" сингари кўмакчилар вазифасидаги сўзлар: Дўстларимизнинг бизга кўрсатган беғараз ёрдами сабабли

халқ хўжалигини тез орада тиклаб олиш шарафига муяссар бўлдик. (Газетадан)


Халқ хўжалигини тубдан яхшилаш, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини юқори кўтариш мақсадида, бир неча гектар янги ер очиш, уларнинг хосилдорлигини ошириш зарур. (Газетадан);

4) "ҳақида", "тўғрисида" кўмакчилари: Бу раиснинг колхозчиларнинг эртанги ҳаёти, колхознинг келажақдаги турмуш тарзи ҳақида бирор марта гапирганини эшитган эмасман. (Газетадан) Эртаси Исломкўжа йўллар министри билан қидирув ишларини бошлаш, план-лойиҳа тузиш ҳақида сўзлашиб олганидан хурсанд бўлди. (Ж.Шарипов) Солиқдан унадиган пуллар тўғрисида менга маълумот бериб туринг деб амр қилдилар. (Ж.Шарипов)

Кейинги мисол қўшма гапга ўхшаб кўринади, лекин у қўшма гап эмас. Бу гапнинг қўшма гап эмаслигини қуйидагича савол-жавоб орқали билиш мумкин:

- Нима қилдилар?
- Амр қилдилар.
- Нима деб амр қилдилар?
- Маълумот бериб туринг деб амр қилдилар.
- Кимга маълумот бериб туринг деб амр қилдилар.
- Менга.
- Нима тўғрисида маълумот бериб туринг деб амр қилдилар?
- Пуллар тўғрисида.
- Қандай пуллар?
- Солиқдан унадиган пуллар.

Энди буни схемада кўрайлик:



Кўринадики, таҳлил қилинган гап бир составли содда гап бўлиб,

унинг таркибидаги "солиқдан унадиган пуллар" бирикмаси "маълумот бериб туринг" деган ҳоким бўлаги билан "тўғрисида" кўмақчиси орқали бирикади.

5) "билан" кўмақчиси: Колхозчилар шийпондан чиқиб, ғўзаларига чопардилар, дўлдан зарар еган ғўзаларни қўллари билан кўтариб афсус қилардилар. (Ш.Рашидов) ...Қўшни колхозларнинг ахиллик билан ишлагани, ғалаба қозонганлиги, неча-неча юз гектар янги ерлар ўзлаштирилгани бадий тасвир этилган. (Ш.Рашидов) Қисмлар билан ер телефон орқали сўзлашадиган ва ўзаро берилаётган маълумотларда оқ финларнинг жуда катта қаршилик билан чекинаётгани ва қария аскарларнинг ўқ ва оловлар орасидан йўл очиб олға бораётгани айтилади. (И.Раҳим)

Қурилишда рус, украин, татар, бошқирт, чуваш, қозоқ, қирғиз халқлари вакиллари билан танишиб, иноқ бўлиб олганини севинч билан гапириб берди. (Газетадан)

Бешинчи пунктда берилган мисолларнинг биринчисидан бошқаси шубҳасиз, чунки улардаги сўзлар бирикмасининг ҳоким элементи билан "билан" орқали синтактик алоқага киришгани қўриниб турибди:

а) қўшни колхозларнинг ахиллик билан ишлагани;

б) оқ финларнинг жуда катта қаршилик билан чекинаётгани;

в) қурилишда рус, қирғиз халқлари вакиллари билан танишиб, иноқ бўлиб олгани.

Биринчи мисолдаги "дўлдан зарар етган ғўзаларни қўллари билан кўтариб" бирикмаси ҳақида икки хил фикр бўлиши мумкин:

1) "афсус қилардилар"-биринчи, "кўтариб"- иккинчи даражали кесим;

2) "афсус қилардилар"нинг ўзигина кесим, "кўтариб" сўзлари бирикмасининг етакчи (ҳоким) элементи бўлиб, бирикма бутунича равиш ҳолидир.

Биз кейинги фикр тарафдоримиз. Чунки:

а) феъл ва равишдош кесимлардан англашилган ҳаракатлар бир пайтда юз бермайди. Улар ифода этган ҳаракатлар олдинма-кейин бажарилади. Феъл кесим ва равишдош ҳолдан англашилган ҳаракатлар бир пайтда юз беради. Масалан: колхозчилар ғўзаларни олдин кўтариб, ундан кейин афсусланмайдилар. Равишдош ифода этган ҳаракат сал олдин бажарилса ҳам, феъл ифода этган ҳаракат билан баб-баравар давом этади;

б) равишдош кесимни феъл кесимга ўтказиш мумкин, равишдош ҳолни эса феъл кесимга ўтказиш мумкин эмас;

в) равишдош кесимни феъл кесимга ўтказиб, боғловчиларни (тенг) қўлласа бўлади: Папиросни лабига қистириб, гугурт чақди. Папиросни лабига қистирди ва гугурт чақди каби. Бу ҳақда қаранг. [19, 23]

Сўзлар бирикмасининг тобе ва ҳоқим элементлари юқоридагилардан бошқа кўмакчилар билан ҳам синтактик алоқага киради, лекин улар унумли эмас. Сўзлар бирикмасининг тобе-ҳоқим элементлари боғламалар (экан, эмиш, бўлади, ҳисобланади...) билан деярли синтактик алоқага кирмайди. Сўз формаларидан бири ва унумлиси бўлган шахс-сон қўшимчалари ҳам сўзлар бирикмасининг тобе-ҳоқим элементларининг сўзлар тартиби ва оҳанг ёрдамида бирикиши ҳам ҳарактерли эмас. Шундай бўлса ҳам, сўзлар тартиби ҳақида қуйидагиларни эслатиш мумкин:

1. Эга-кесим, иккинчи даржали бўлақлар - кесим ўрнини ўзгартириб, уларни олдин-кейин келтириш мумкин:

Мен келдим.

Келдим мен.

Китобни ўқидим.

Ўқидим китобни.

Мақтабдан келдим.

Келдим мақтабдан.

Сифатловчи ва сифатланмиш ўрни ўзгарса, грамматик ҳолат ҳам ўзгариб, гап ҳосил бўлади:

Гўзал табиат.

Табиат гўзал.

Қаратқичли аниқловчи ва аниқланмиш ўрнини одатдаги стилда ўзгартириб бўлмайди, масалан, "Бу менинг китобим" гапида аниқловчи ва аниқланмиш ўрнини ўзгартириб, "Бу китобим менинг" дейиш одатдаги ҳолат эмас. Лекин шеърятда қаратқичли аниқловчи-аниқланмиш ўрнини ўзгартириши мумкин:

Гул диёрим, гулшаним, жоним менинг,

Мен сенинг бағрингда ўсдим, йўқдир армоним менинг

(Уйғун)

Бу ерда қаратқичли аниқловчини олдинга олиб, "Менинг гулдиёрим, гулшаним, жоним", "менинг армоним йўқдир" деб бўлмайди. Агар шундай қилинса, шеърга путур етади.

Сўзлар бирикмаси мана шундай хусусиятларга эга эмас, яъни сўзлар бирикмасида тобе-ҳоқим элементларнинг ўрнини деярли ўзгартириб бўлмай-

ди. Жумладан, "Кеча бизникига келган йигит Аҳмаджоннинг укаси эди" гапида "кеча бизникига келган йигит" сўзлар бирикмаси бўлиб, "кеча бизникига келган" тобе, "йигит" ҳоким элементдир. Бу ҳоким - тобе элементларнинг ўрнини ўзгартириб, "йигит кеча бизникига келган Аҳмаджоннинг укаси эди" деб бўлмайди.

Сўзлар бирикмасининг тобе ҳоким элементлари доирасида ўрин алмаштириш деярли юз бермаса ҳам тобе элемент доирасида баъзан ўрин алмаштириш содир бўлади. Лекин бунда ички ҳоким элемент ўз ўрнини бошқа сўзга беради. Масалан, "катта дарахт шоҳидаги иккита қуш бирданига учиб кетгани учун беланчақда ётган бола уйғониб кетди" гапида "катта дарахт шоҳидаги иккита қуш бирданига учиб кетгани учун" сўзлар бирикмаси. Унинг "катта дарахт шоҳидаги иккита қуш бирданига" элементи тобе, "учиб кетгани учун" эса ҳоким элементдир. Ўрин ўзгартириш натижасида "катта" сўзи "шоҳ", "қуш" сўзлари билан бирикishi мумкин:

а) дарахтнинг катта шоҳидаги;

б) дарахт шоҳидаги иккита катта қуш каби. Бу ўринда "катта" сўзи аниқловчиликча қолса ҳам, аниқланмиши ўзгаради. Сўзлар бирикмасидаги тартиб, асосан, шулардан иборатдир.

Юқорида сўзлар бирикмаси ҳақида келтирилган фикр-мулоҳазалар шунини кўрсатадики, бу категория ҳам анча мураккаб. Ҳозиргача унинг таҳлилида ҳар хиллик мавжуд. Дастлаб, устоз проф. Ҳ.Р.Неъматов шогирдлари қўйган масала (сўз ёки гап кенгайтирувчиларими ёки гап бўлакларими ё сўзлар бирикмалари бўлакларими? масаласи)ни ҳал этиш лозим. Шундан кейингина сўзлар бирикмалари ва гап таҳлили тадқиқотига ўтиш мумкин. Акс ҳолда бу таҳлилни ҳар бир мутахассис ўз билганича қилаверади. Рисолада сўзлар бирикмалари тадқиқ қилинар экан, бу категориянинг ҳам маънавий, ҳам шаклий, ҳам вазифавий томонларига эътибор қаратилади. Албатта, бу мураккаб ва қизиқарли категориянинг ҳали ўрганилмаган, ҳали ечилиши лозим бўлган хусусиятлари кўп. Уларнинг тадқиқоти келажак ишидир.

СЎЗЛАР БИРИКМАСИНИНГ ТАРКИБИДАГИ ЭЛЕМЕНТЛАР МИҚДОРИГА КЎРА ТУРЛАРИ

Ишнинг олдинги қисмларидан бирида айтганимиздек, сўзлар бирикмаси эга ва иккинчи даражали бўлақлар ундалма ва баъзан кириш, киритма бўлақлар доирасида яшайди, кесим доирасида эса сўзлар бирикмаси бўлмайд-

ди. Биз ана шу принципга асосланган ҳолда сўзлар бирикмаси таркибидаги элементлар миқдорини кўриб чиқамиз.

Сўзлар бирикмаси таркибидаги элементлар миқдори етакчи (ҳоким) элемент доирасида белгиланади. Сўзлар бирикмаси таркибида уюшқ бўлақлар бўлса, ҳоким элемент кўп бўлади. Шу сабабли ҳар бир уюшқ бирикма ўз ҳоким элементи доирасида текширилади. Ажратилган бўлақлар, ундалма, кириш, киритмалар ҳам ўз доирасида ўрганилади. Булар билан бир қаторда яна бошқа ички бирикмалар (бирикма ичида бирикмалар) бўлиши мумкин. Биз бу текширишимизда ички бирикмаларни бир элемент деб оламиз. Ички бирикмаларнинг ўзи эса алоҳида ўрганилади.

Сўзлар бирикмасининг бошланғич кўриниши икки элементдан иборат бўлади. Бу элементлар кўпайган сари уларнинг ишлатилиш доираси камая боради, бошқача қилиб айтсак, сўзлар бирикмасининг икки элементлиси кўп, уч элементлиси ундан оз, тўрт элементлиси ундан оз ва шундай элементлар кўпайиши билан қўлланиш миқдори камая боради. Ҳарфларнинг катта-кичиклиги, бетдаги қаторнинг миқдори кабиларга қараб уч-тўрт асарнинг, масалан, романнинг бир бетидаги сўзлар бирикмаси миқдорини санаб чиқиш керак.

Энди сўзлар бирикмаси таркибидаги элементлар миқдорини мисоллар ёрдамида кўриб чиқамиз.

1. Икки элементли сўзлар бирикмаси. Бунда ҳоким сўз ҳам, тобе сўз ҳам биттадан бўлади: Комилжон яйловдан келгандан кейин далани пиёда айланиб чиқди. (И.Раҳим) Қосимбек қўлини кўксига қўйиб бош эгди. (П.Қодиров) Келтирилган мисолларнинг биринчиси ёйиқ икки содда гап бўлиб, икки элементли битта сўзлар бирикмаси бор: яйловдан келгандан кейин. Бу сўзлар бирикмасида "келгандан кейин" сўзлар бирикмасининг ҳоким элементи бўлса, "яйловдан" унинг тобе элементиدير. "Комилжон", "далани", "пиёда" сўзлари эса "айланиб чиқди" кесими билан бирикиб, гап ҳосил қилади, шунинг учун улар сўзлар бирикмаси категориясига эмас, балки гап категориясига киради. Мисолларнинг иккинчиси ҳам икки таркибли ёйиқ содда гап бўлиб, "қўлини кўксига қўйиб" сўзлар бирикмасидир. Унинг ҳам биринчи элементи тобе, иккинчи элементи ҳокимдир: қўлини кўксига қўйиб.

2. Уч элементли сўзлар бирикмаси. Бунда ҳоким элемент битта, тобе элемент эса иккита бўлади: Қутлуғ Нигор хоним Бобурга нималарнидир айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади. (П.Қодиров)

.... Бобурга нималарнидир айтмоқчи бўлиб.

Далада Турдиматни тополмай тажанг бўлди. (И.Раҳим)


...далада Турдиматни тополмай.

Ҳамманинг фикри-зикри имтиҳон билан банд бўлганидан синфдаги ўқувчилардан бирортаси ҳам уларнинг ҳафалашганликларини сезмади. (Ш.Рашидов)

Ҳамманинг фикри-зикри имтиҳон билан банд бўлганидан.


3. Тўрт элементли сўзлар бирикмаси: Меъмор илгари бир неча бор лойиҳалари йўқолгани сабабли қоғоз тасвир-чиқиқларини, ҳандасавия ҳисобларни жуда эҳтиёт қиларди. (Мирмуҳсин)

7-жадвал



У телефон кўнғироғини илгаридан орзиқиб кутгандай кескин ҳаракат билан трубкани олди. (А.Мухтор)

8-жадвал




4. Беш элементли сўзлар бирикмаси: ... у ерда қиз ошида деразадан қизларга мўралаганларини... бир-бир айтди. (Ойбек) Бу гап кесим таркибидан иборат бўлиб, беш элементли сўзлар бирикмаси бор: у ерда қиз ошида деразадан қизларга мўралаганларини. У жомада ўтирганда бугун олдига Эшонхон келганини айтди. (Ойбек)

Жомада ўтирганда бугун олдига Эшонхон келганини. Бу мисолдаги "бугун" сўзи иккилантиради кишини. Яъни у "айтди" кесимига тааллуқлими ёки "келганини" тўлдирувчисига тааллуқлими? Гапнинг умумий мазмунига диққат қилинса, у бирикманинг элементиدير. Гапнинг элементи эмас. Агар гапнинг элементи бўлганда эди, у бирикма таркибидан чиқарилиб, гап таркибига киритилар эди: У жомада ўтирганда олдига Эшонхон келганини бугун айтди каби.

5. Олти элементли сўзлар бирикмаси: Кичкина, бosh яланг, сочи

узун, кўзлари катта-катта, узунроқ ёзли қизча сувга оқиб кетган копто-
гига термулиб чинқирди... (А.Мухтор)

9-жадвал




6. Етти элементи сўзлар бирикмаси: Кейин унинг извошда хўжайини
билан зиёфатга биргалашиб борганини ... айтди. (Ойбек)

10-жадвал



Яна бир мисол: Кўримсиз, чирк босиб қорайган, жуда кўп хизмат
қилиб кексайган, очиб-ёпганда анвсий-турли доду фарёд қиладиган, бунда
сеналган сифатларини бир ерга жамлаб натижа чиқарганда, "Шарти кетиб,
парти қолган" бир дарвозанинг остонасидан уч-тўрт қадам ичкарига ки-
рилса, Бухоро зиндонларидан бири ҳис этилуру ва қоронғу йўлакнинг ни-
ҳоясидаги ёруғликка томон оши-қилуру. (А.Қодирий)

11-жадвал



Биз юқорида ҳоким бўлаги билан бирга етти элементли сўзлар бирикмасига мисол келтирдик-у, чегараландик, чунки бизга бундан кўп элементли сўзлар бирикмаси учрамади. Лекин еттидан кўп элементли сўзлар бирикмаси бор, у нутқда яшайди, жумладан, юқоридаги мисолга икки отли, катта сўзалари кўшилса, тўққиз элементли сўзлар бирикмаси ҳосил бўлади: Кейин унинг икки отли извошда хўжайин билан катта зиёфатга биргалашиб борганини айтди каби.


Сўзлар бирикмаси таркибида сўзлар бирикмаси бўлади. Шу жиҳатдан сўзлар бирикмасини шартли ҳолда ички ва ташқи сўзлар бирикмаси деб аташ мумкин. Ташқи сўзлар бирикмаси гапнинг бирор бўлаги билан синтактик алоқага кириб, унга эргашса, ички сўзлар бирикмаси ташқи сўзлар бирикмаси етакчи элементига эргашади. Ўз навбатида, ички сўзлар бирикмасининг ичида ҳам сўзлар бирикмаси бўлади, бу эса ўзи тегишли бўлган ички сўзлар бирикмасига тобе бўлади. Шундай қилиб, сўзлар бирикмасида уч-тўрт поғона кўзга ташланади.

Ички сўзлар бирикмаси тобе элементнинг уюшиб келиш қолларида ҳам учрайди. Ундай пайтда тўғридан-тўғри эргашиш содир бўлади. Бу ҳолат юқорида келтирилган мисолларда ҳам қисман учрайди. Биз уларга сўзлар бирикмасининг бир элементи сифатида қараганмиз, ички таҳлил ўтказмаганмиз. Энди ички ва ташқи сўзлар бирикмасининг миқдор томонини ўрганамиз ички таҳд илларга ҳам назар ташлаймиз. Сўзлар бирикмаси миқдоран қуйидагича:

1. Гап ичида сўзлар бирикмаси йўқ: Эшик ғирчиллаб очилар экан, икковлон ҳам ялт этиб қовлига қарадилар. (Ойбек)
2. Гап ичида битта сўзлар бирикмаси бор: ...тўрт томондан сув айланиб оққан катта супа меҳмонларга лиқ тўлган. (Ойбек) Дўстларнинг истиқболига югурган Қамариддин бойвачча кўришиб секин шивирлади. (Ойбек). Халил ота ... садафдай дона-дона бўлиб пишган гуручни безатиб турган ёғлиқ гўштга биринчи бўлиб қўл узатди. (Ш.Рашидов)
3. Гап ичида иккита сўзлар бирикмаси бор: ... Ёш Мирзога кўмаклашмоқ ва унинг қўшини билан Фарғона устига бормоқ учун уч ой тайёргарлик кўрган эди. (Мирмуҳсин)
4. Гап ичида учта сўзлар бирикмаси бор:
 - 1) Ҳамманинг фикри-зикри имтиҳон билан банд бўлганидан синфдаги ўқувчилардан бирортаси ҳам уларнинг ҳафалашганликларини сезмади. (Ш.Рашидов);
 - 2) Мовароуннаҳрдаги ғалаёнлар ва хон саройидаги ички низолардан хабар топган Шоҳ Исмоил бу Қўлай фурсатдан фойдаланиб қолишга интилди. (П.Қодиров)
5. Гап ичида тўртта сўзлар бирикмаси бор: Оташ-дукчи - олтмишларга яқин, бурушиқ юзида кўзлари теран жойлашган, елкаси чиқик, кўркам оппоқ соқолли қовжироқ бир чол. (Ойбек)

Сўзлар бирикмаси миқдорини санашни давом эттириш мумкин. Лекин биз битта мисолни таҳлил қилиш билан ишнинг бу бўлимини якунлаймиз:

У ўз уйида ўтирганда ҳам устидаги атлас кўйлак билан адрас мурсаги, оқ шойи дакани билан қахрабо тасбеҳни қўймай, қиш кунлари танчада пар ёстиққа суяниб, ёз кунлари айвоннинг тўрида ясланиб Хасаналининг хотини бўлган Ойбодоққа, чўри қиз Ҳанифага хамирни ачитмасликни, паловни қирмоч олдирмасликни танбеҳлабгина ўтирар эди. (А.Қодирий) Бу гап икки таркибли жуда ёйиқ содда гап бўлиб, матнга (текст) тенг келади. Матнга тенг бўлган бу икки составли ёйиқ гапни схемалаштирсак, қуйидагича тус олади:



Схемага диққат қилсак, катта-кичик ўн битта сўзлар бирикмаси, баъзи бир сўзлар бирикмаси ичида сўзлар бирикмаси борлигини кўраемиз. Бу ўн битта сўзлар бирикмаси тўртта (танбеҳлабгина, тўрида, суяниб, қўймай) ҳоким элемент доирасида ҳосил бўлган. Энди шунини ҳам қайд қилиш керакки, ёзувчи бу икки составли сўзлар бирикмасига бой бўлган ёйиқ содда гап орқали ажойиб бир манзарани, яъни Отабекнинг онаси Ўзбек ойимнинг уй-рўзгор ишларига аралашмай, қўлини совуқ сувга урмай, ясан-тусанга, зеби-зийнатга берилиб ўтириши, ҳовлидаги хизматчи аёлларни ишга солиш устаси эканлиги каби хислатларини моҳирлик билан тасвирлайди. Бу тасвирни бир неча содда ва қўшма гаплар воситасида баён этиш мушкул, шунинг учун ҳам ёзувчи бадавлат одамлар хонадонига хос бўлган манзарани сўзлар бирикмасидан унумли фойдаланган ҳолда намён қилади. Кўринадики, гап қурилишида сўзлар бирикмаси салмоғли ўринни эгаллайди. Биз бу ҳақда ишнинг бошқа бўлимларидан бирида ҳам қисқача қайд этган эдик.

СЎЗЛАР БИРИКМАСИНИНГ БОШҚА КАТЕГОРИЯЛАР БИЛАН МУНОСАБАТИ

Маълумки, грамматик хусусиятлари жиҳатдан бир доирага кирувчи элементлар йиғиндиси грамматик категория дейилади. Масалан, келишниклар категорияси, гап бўлаклари категорияси ва бошқалар. Ўз ўрнида сўзлар бирикмаси ҳам категория ҳисобланади. Мана шу категориялар гап ичида бир-бирлари билан муносабатга киришади. Ҳар бир категорияни чуқурроқ ўрганиш, уларнинг семантик-грамматик табиатини очиш учун категориялараро муносабатларни текшириш зарур. Биз ўз объектимиз доирасида шунга, яъни категориялараро муносабатларни ўрганишга қаракат қиламиз, уриниб кўраемиз.

1.1 Сўзлар бирикмаси ва синтагма

Сўзлар бирикмаси ҳақида анчагина маълумотга эгамиз. Синтагма тўғрисида ҳам синтаксисга доир адабиётларда материаллар бор, бир қанча мақолалар нашр этилган. Синтагма бўйича номзодлик диссертацияси ёзи-

либ, муваффақиятли ҳимоя қилинди. Биз бу ерда сўзлар бирикмаси ва синтагманинг баъзи бир хусусиятлари ҳақида фикр юритамиз.

Сўзлар бирикмаси - синтактик ҳодиса, синтагма фонетик - синтактик ҳодиса. Синтагмада фонетик хусусият (интонацион бутунлик) бўлса ҳам, у синтактик категория қаторига киради, чунки у гап билан боғлиқ (гапнинг интонацион бутунлик ташкил қилувчи қисми - синтагма), гап ичида ўрғанилади. Сўзлар бирикмаси соф грамматик ҳодиса бўлиб, у ҳам гап ичида яшайди.

Сўзлар бирикмасининг бошланғич кўриниши икки сўздан иборат бўлади. Синтагманинг бошланғич кўриниши бир сўздан ташкил топади. Сўзлар бирикмаси бутунча гапнинг бир бўлаги бўлади. Синтагмада бу шарт эмас. Масалан, "Ғамгин деманг ёлғиз мени // дунёда шод ўтган қани?" (Аваз ўтар) гапи қуйидагича синтагмаланади:

- а) ғамгин деманг;
- б) ёлғиз мени;
- в) дунёда;
- г) шод ўтган қани.

Бу синтагмаларнинг биринчи ва иккинчиси икки сўздан, учинчиси бир сўздан, тўртинчиси уч сўздан иборат. Тўртинчисида "шод ўтган" сўзлар бирикмаси бўлиб, эга; "қани" сўзи эса кесим вазифасида келган. Демак, эга ва кесим бир интонацион бутунликка эга бўлиб, бир синтагмани ташкил қилади.

Синтагмаланиш факультатив, яъни гап ўрнига қараб бошқача синтагмаланиши ҳам мумкин. Шу асосда юқоридаги гапни икки синтагмага ажратса ҳам бўлади. "Ғамгин деманг ёлғиз мени, дунёда шод ўтган қани?" каби. Сўзлар бирикмаси эса бундай хусусиятга эга эмас.

Синтагма оҳанг бутунлиги, лекин бу оҳанг бутунлиги қисман семантикага ҳам боғлиқ. Ана шунга кўра "Ғамгин деманг ёлғиз мени, дунёда шод ўтган қани?" гапи икки синтагмага ажратилганда биринчи синтагма элементини иккинчи синтагма, иккинчи синтагма элементини биринчи синтагма таркибига киритиб бўлмайди, масалан, "Ғамгин деманг ёлғиз мени, дунёда" деб бўлмайди. Худди шундай гап қурилишида бир сўзлар бирикмаси элементини иккинчи сўзлар бирикмаси таркибига ҳам киритиб бўлмайди (директорнинг илгариги кабинети, илгариги директорнинг кабинети кабинетлардан ташқари).

Юқорида таҳлил қилинган гапда сўзлар бирикмаси билан синтагма тенг келмайди. Баъзан эса уларнинг тенг келиши ҳам мумкин. Жумладан, йўллардаги тизза бўйи тупроқ билқиллиб қайнайди, оёқ боссангиз куйди-

ради" гапида "йўллардаги тизга бўйи тупроқ" бирикмаси, ўрни билан, синтагмага тенг келиши мумкин.

Сўзлар бирикмасининг катта-кичиги бор. Ўзгача баён этсак, содда ва мураккаб сўзлар бирикмаси бор. Мана шу мураккаб сўзлар бирикмаси бир қанча синтагмага ажратилиши турган гап. Масалан, ишнинг бошқа бўлимларидан бирида ўзга мақсадда таҳлил қилинган характерли бир мисолни кўриб чиқамиз: "Юк ортилган аравалар, эшақлар, қўлларини чўзиб турган тиланчилар, сават-сават нон кўтариб юрган болалар, Машраб ғазалларини ўқиб "Ё-ҳу!" дея бақириб кетаётган қаландарлар тўла кўчани оралаб бораётган Зумрад таққа тўхтади" гапида мураккаб сўзлар бирикмаси бўлиб, унинг ҳоким элементи "Зумрад" сўзидир. Бу сўзлар бирикмаси асосан қуйидагича синтагмаланади:

- а) юк ортилган аравалар;
- б) юк ортилган эшақлар;
- в) қўлларини чўзиб ўтирган тиланчилар;
- г) сават-сават нон кўтариб юрган болалар.

Уюшқ сўзлар бирикмасининг кейинги аъзоси Машраб ғазалларини ўқиб "Ё-ҳу!" деб бақириб кетаётган қаландарлар тўла кўчани оралаб бораётган Зумрад) бошқача синтагмаланади:

- а) Машраб ғазалларини ўқиб;
- б) "Ё-ҳу!" деб бақириб кетаётган қаландарлар тўла кўчани;
- в) оралаб бораётган Зумрад.

Бундан кўринадики, сўзлар бирикмаси билан синтагма бир-биридан тубдан фарқ қилувчи икки хил категориядир.

1.2. Сўзлар бирикмаси ва гап

Гап ҳам, сўзлар бирикмаси ҳам сўзлардан ташкил топади. Гап фикрни ифодалайди. Шу билан кишиларнинг ўзаро алоқа-аралашувини йўлга қўяди, демак, гап кишиларнинг ўзаро алоқа-аралашув қуролидир. Сўзлар бирикмаси эса бундай хусусиятларга эга эмас. Сўзлар бирикмаси тушунчалараро муносабатларни ифодалаб, гапдан англашилган фикрни мукаммаллаштирига ҳисса қўшади.

Гапда эга-кесим муносабати мавжуд бўлса, сўзлар бирикмасининг маълум бир турида субъект-предикат муносабати бўлади. Лекин бу субъект-предикатни эга-кесим деб бўлмайди. Масалан, "Кеча сиз кўрган киши

бизникига келди" гагида "кеча сиз кўрган" бутунлик худди гапга ўхшаб кўринади, ammo уни гап деб бўлмайди. Негаки, у бутунлигида "қандай?", "қайси?" сингари сўроқларнинг бирига жавоб бўлиб, "киши" бўлагини аниқлайди, унга эргашиб келиб эга таркибига киради:

- Ким келди?

- Кеча сиз кўрган киши келди.


Бундан кўринадики, "сиз" субъект бўлса, "кўрган" предикатдир, лекин улар шу гап қурилишида эга-кесим бўла олмайди, улар бир бутунлик ҳосил қилиб, аниқловчи вазифасини бажаради.

Гап ҳам, сўзлар бирикмаси ҳам йиғиқ ва ёйиқ ҳолда қўлланади. Гапнинг йиғиқ шакли куйидагича бўлади:

1. Фақат кесимдан иборат бўлади: Борамиз. Ишлаймиз...
2. Эга-кесимдан иборат бўлади: Биз борамиз. Сиз келасиз...
3. Бир эга, кўп кесимдан иборат бўлади: Ёшлар ўқийди ва ишлайди.
4. Кўп эга, бир кесимдан иборат бўлади: Алибек ва Муроджон келди.
5. Кўп эга, кўп кесимдан иборат бўлади: Алибек ҳамда Муроджон ўқийди ва ишлайди.

Сўзлар бирикмасининг йиғиқ шакли фақат икки сўздан иборат бўлади: Гўзал табиат, ёқимли ҳис.

Гапнинг ҳар қандай бўлаги уюшиб келади, жумладан, етакчи элементи ҳам уюшиб келади: Хатни олди ва ўқий бошлади. Гап қурилишида иккинчи даражали бўлақлар иштирок этади. Шу иккинчи даражали бўлақлар сўзлар бирикмаси таркибида ҳам бўлади. Улар гап таркибида уюшиб келганидек, сўзлар бирикмаси таркибида ҳам уюшиб келади. Лекин сўзлар бирикмаси етакчи элементининг уюшиб келиши характерли ҳолат эмас. Биз ўқиган ва тўплаган материалларимизда шунга ўхшаш мисоллар учрамади. Лекин, "Халқдан узоқда, ишидан узоқда, турмушдан узоқда бўлган кичкина қишлоқда яшаш жонимга теккач, ўз ихтиёрим билан ариза берганман." (Ш.Рашидов) гагидаги сўзлар бирикмасининг етакчи элементи бўлган "яшаш" сўзидан кейин "ҳаёт кечириш", "кун кўриш" сингари сўзларни келтириб, етакчи элементни уюшиқ ҳолатга келтириш мумкин: "Халқдан узоқда, ишидан узоқда, турмушдан узоқда бўлган кичкина қишлоқда яшаш, ҳаёт кечириш жонимга теккач, ўз ихтиёрим билан ариза берганман." Бу гапдаги "яшаш", "ҳаёт кечириш" сўзлари маънодош бўлса ҳам, уларни шартли ҳолда уюшиқ бўлақ дейиш мумкин:



Ғап қурилишида кириш бўлақлар унумли қўлланади, сўзлар бирикмаси таркибида уларнинг ишлатилиши характерли эмас. Ваъзан, "Синглим, данданг, менинг фикримча, чинакам ва оғир жангда мардонавор курашиб ўлди" типидagi ғаплар учрайди. Бу ғалда "чинакам ва мардонавор курашиб" сўзлар бирикмаси бўлиб, унинг таркибида "менинг фикримча" деган кириш бўлақ бор. "ўлди" кесимидан англашилган ҳаракат, бизнинг назаримизда, аниқ факт. Шунинг учун ҳам "менинг фикримча" кириш бўлаги унга тегишли эмас. Бу кириш бўлақ сўзлар бирикмасининг "мардонавор курашиб" қисмига тааллуқлидир.

Сўзлар бирикмаси таркибида кириш бўлақлар бўлганидек, ўрни билан, киритмалар ҳам иштирок этади. Масалан, "Мевачилик совхозининг (директори Каримов) бу йил қўлга киритган катта ютуқлари иқтисодни анча кўтарди" ғалида "директори - Каримов" эга-кесимдан иборат бўлган киритма ғалдир. Сўзлар бирикмаси таркибида ёйиқ киритма ғаплар, шунингдек, киритма сўзлар ҳам бўлади.

Сўзлар бирикмаси таркибида ажратилган бўлақлар ҳам ишлатилади: "Киндик қони тўкилган уйни, ота-онанинг меҳнати синган азиз ватанни, ташлаб, чўлга кўчиш осонми, ахир!" Бу ғалда "ота-онанинг меҳнати синган азиз ватанни" ажратилган ёйиқ тўлдирувчи ҳисобланади. Шунинг ҳам айтиш керакки, кириш ва киритмалар ғап қурилишида унумли қўлланилади, сўзлар бирикмасида эса улар анча унумсиз қўлланади.

Ундалма фикр қаратилган шахсни ифодалайди. Сўзлар бирикмаси ўз табиати билан ғап эмас, у фикрни ифодаламайди. Шунинг учун ҳам сўзлар бирикмаси таркибида ундалмалар бўлмайди.

Ҳозирги пайтда энг муҳим муаммолардан бири сўзлар бирикмаси ва эргаш гапларнинг ўзаро муносабати масаласидир. Бу икки категория бир-бирига жуда ўхшайди, шу туфайли уларни бир-биридан фарқлаш анча қийин. Сўзлар бирикмаси ва эргаш гапларни бир-бири билан қористириш узоқ тарихга эга. Масалан, А.Ғ.Ғуломов асарларида бундай қористиришларни учратиш мумкин. Бу айниқса, "Ўзбек тилида аниқловчилар" китобида кўп учрайди. А.Ғ.Ғуломовнинг "Ўзбек тилида аниқловчилар" китоби ўзбек тили илмий грамматикасини яратишга асос солувчи биринчи асардир. Бу асарда аниқловчилар ҳар томонлама чуқур текширилади. Жумладан, аниқловчиларнинг турлари, ифодаланиши, изоҳловчи гаплар, мураккаб бирикмалар ўрганилади. Тарихий шарҳлар берилади. Муаллифнинг ҳар бир мулоҳазаси ишончли далиллар (мисоллар) билан тасдиқланади. Мана шундай мукамал асарда ёйиқ аниқловчилар билан эргаш гаплар муносабати етарли даражада тўғри ёритилмаган. Мантиқ билан грамматика қористирилиб, ёйиқ аниқловчилар эргаш гаплар қаторига киритилади. Аниқловчи гап ва ёйиқ аниқловчи ҳақида А.Ғ.Ғуломов куйидагича ёзади: "Аниқловчи гап ҳам вазифа ёғидан худди аниқловчи кабидир, шунга кўра уларнинг сўроқлари ҳам бир хил, бироқ унинг ўзи бир гап ҳолида келган бўлади. Демак, аниқловчи гап аниқловчининг кенгайтирилган, ёйиқ ҳолатидир. Аниқловчи гап ўз ичида эга, кесим алоқасини акс эттириб, шу бир бутунлик ҳолида бошқа бир бўлакни аниқлаш вазифасини бажаради. Англашиладики, аниқловчи гап предикатив алоқали аниқловчидир. Бу жиҳати билан у аниқловчидан фарқ этади" [26, 74].

Бу келтирилган парчадан ҳам грамматик категория (эга-кесим) билан логик категория (предикативлик)нинг қористирилиши аниқ кўриниб турибди. А.Ғ.Ғуломов аниқловчи гап Собида Н.Ф.Катановни танқид қилиб, (Н.Ф.Катанов) аниқловчи деган бирликларни, масалан, "Қўли йўқ баҳодир", "Қуйруғи йўқ ит" каби бирликларни аниқловчи гап дейди. Ўз фикрини исботлаш учун "қўли" ва "қуйруғ" сўзлари эга, "йўқ" сўзлари кесим деб таъкидлайди [26, 74].

Фараз қилайлик, Н.Ф.Катанов ноҳақ бўлса, "Қуйруғи йўқ катта оқ ит" бутунлигида (қурилмада) "Қуйруғи йўқ" бирикмаси "катта", "оқ" сўзлари билан бир қаторда (бир позициясида) туриб аниқловчи вазифасини бажаради-ку? Бизнинг назаримизда, Н.Ф.Катанов бу борада ҳақлидир:

- а) оқ - йиғиқ аниқловчи;
- б) катта - йиғиқ аниқловчи
- в) қуйруғи йўқ - ёйиқ аниқловчи.

Бу ерда ҳеч қандай эга-кесим йўқ, предикатив алоқа бор, предика-

тив алоқа эса логик категория бўлиб, грамматик категория бўлган гапни ифодаламайди.

А.Ғ.Ғуломов аниқловчи гапнинг бир неча хил шаклини санаб кўрсатади:

- 1) Карим айтган ҳикоя;...
- 2) Чеки йўқ жок;...
- 3) Кўнгли ғаш ёвлар;...
- 4) Меваси кўп ёғочлардан бири шафтолидир.
- 5) Чўмич ботар-ботмас овқат;...
- 6) Аҳмаднинг келтирган китоби;...
- 7) Ким ишласа, ўша тишлайди;...
- 8) Ўзи айтган сўздан тонадиган киши мард эмас.
- 9) Аҳмад кўргу дай расминг борми? Бор деса арзирлик ўғли бор;
- 10) Ҳалима туғибди деган овоза тарқалди.
- 11) Китобни келтирган бола шудир. [26,74]

Санаб ўтилган ўн битта мисолнинг фақат биттасида, яъни еттинчисида (Ким ишласа, ўша тишлайди) эргаш гап бор, бошқаларида эргаш гап йўқ. Таги чизиб кўрсатилганлар ("Ким ишласа"дан бошқа)нинг ҳаммаси ёйиқ аниқловчидир.

А.Ғ.Ғуломовнинг шу асарида "Мураккаб бирикмалар" деган бўлим ҳам бор*. Бу бўлимда 16 та мисол таҳлил қилиниб, ниманинг нимага эргашини чизиклар билан кўрсатилади. Бу ерда шуни ҳам таъкидлаб айтиш керакки баъзи ўринларда аниқловчи гап билан мураккаб аниқловчи нималигини тушунмай қоласан киши. Масалан, учинчи пунктда шундай ёзилиб, иккита мисол берилади: Бундаги сифатдош аниқловчи ўрнида аниқловчи гап келиши ҳам мумкин. Масалан, Одилнинг отаси келтирган уч гилдиракли янги велосипед. Одилнинг магазинда ишлайтурган катта опаси келтирган уч гилдиракли янги велосипед. [26,74] Бу ерда гап "Одилнинг отаси келтирган" ва "Одилнинг магазинда ишлайтурган катта опаси келтирган" деган икки бирикма устида бораётир. Буларнинг қайси бири сифатдош аниқловчи, қайси бири аниқловчи гап? Билиб бўлмайди. Визнинг тушунимизча, иккаласи ҳам ёйиқ сифатдош аниқловчи ёки сифатдошли бирикма орқали ифодаланган аниқловчи. Бу аниқловчилар бирининг таркиби торроқ, иккинчисининг таркиби кенгроқдир. Бу ерда ҳеч қандай гап йўқ.

*Мураккаб бирикмалар" термини остида мураккаб аниқловчилар тушунилади.

А.Ғ.Ғуломовнинг кейинги асарларида юқоридаги каби қориштиришлар кўп учрамаса ҳам, сўзлар бирикмаси билан, умуман, гапнинг қориштирилиши тез-тез кўзга ташланади.

Маълумки, синтактик сўзлар бирикмаси таркибидаги элементларининг бир-бири билан бўлган муносабатига кўра, яъни уларнинг ўзаро зич, ажралмас эканлиги ҳамда бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда бошқа сўзлар билан синтактик муносабатга кириши мумкинлигига кўра эркин ва боғлиқ сўзлар бирикмаси деб иккига бўлиб ўрганилади. Сўзлар бирикмасини, худди шунингдек, предикатив муносабатларга кўра ҳам иккига бўлиб текшириш мумкин:

а) предикатив муносабатдаги сўзлар бирикмаси;

б) нопредикатив муносабатдаги сўзлар бирикмаси: кенг ўй, тоза ҳа-во, атир гулнинг ҳиди.

Биринчисида ҳаракатни бажарувчи шахс аниқ бўлади. Лекин унинг, ўша аниқ шахснинг гап қурилишидаги грамматик ҳолати фарқ қилади. Ана шу жиҳатдан бу иккига бўлинади:

а) субъект-предикатив муносабатида бўлган сўзлар бирикмаси;

б) эга-кесим муносабатида бўлган сўзлар бирикмаси.

Субъект-предикат муносабатида бўлган сўзлар бирикмасида ҳаракатни бажарувчи шахсни ва шу ҳаракатни ифодаловчи сўзлар бўлади. Лекин булар гап қурилишида эга-кесим бўлолмайди, чунки нисбий фикрни англатмайди, гапга хос интонацияга ҳам эга эмас ва бирикма бутунича қандайдир бир бўлакка тобе бўлиб, унга эргашади. Масалан, "Сиз айтган киши бизникига келди" гапида "сиз айтган" худди шундай сўзлар бирикмасидир. Бу бирикмада "Сиз" субъект (ҳаракатни бажарувчи), "айтган" предикат бўлиб, субъект бажарган ҳаракатни ифодалайди. Лекин уларни эга-кесим деб бўлмайди, чунки иккаласи бир бутун ҳолича "киши" деган эгага эргашади ва шу эга ифодалаган предмет белгисини кўрсатади:



Аниқловчи эргаш гапларда ўзгача ҳолатни кўрамай. Уларда эргаш гап бош гапдаги бирор бўлакни изоҳлайди, унинг (бирор бўлакнинг) эквиваленти (ўринбосари) бўлиб келади. Жумладан, "Шундай бир бино қуришгки, унда барча қулайликлар бўлсин" гапининг биринчи қисми (Шундай бир бино қуришгки) бош гап, иккинчи қисми эргаш гап. Эргаш гап бош гапдаги "Шундай" аниқловчини изоҳлайди, унинг эквиваленти бўлиб келади, лекин

бош гапдаги бирор бўлакка эргашмайди. Бу аниқловчи эргаш гапли қўшма гапни содда гапга ўтказсак, эргаш гап ўз шаклини ўзгартириб, бош гапнинг "Шундай" аниқловчиси ўрнини босади: Барча қулайликлари бўлган бир бино қурилинг. Барча қулайликларга эга бўлган бир бино қурилинг. Қўшма гапга синоним бўлган бу содда гапларнинг биринчисида "Барча қулайликлари бўлган", иккинчисида "Барча қулайликларга эга бўлган" бирикмалари ёйиқ аниқловчи бўлиб "Бино" деган белгисиз воситасиз тўддирувчини аниқлайди, "Қандай?" деган сўроққа жавоб бўлиб унга эргашиб келади. Шундай қилиб, субъект-предикат ҳолатидаги "Сиз айтган" бирикмаси синтактик вазифаси жиҳатидан юқорида келтирилган содда гапларнинг ёйиқ аниқловчисига (барча қулайликларга эга бўлган) ўхшайди. Шунинг учун ҳам "сиз"ни эга, "айтган"ни кесим деб бўлмайти.

Эга-кесим муносабатида бўлган сўзлар бирикмасида субъект-предикат эга-кесим билан мос келади, яъни субъект эга, предикат кесим вазифасида бўлади. Масалан, "қушлар сайради" гапида қушлар ҳаракатни бажарувчиси бўлиб, эга вазифасида, сайради сўзи ҳаракатни ифодалаб, кесим вазифасида келади. Демак, бундай сўзлар бирикмаси гапдир. Мана шу юқоридаги таҳлилдан кўринадики, гап бўлақларига тенг келувчи сўзлар бирикмаси бор ва гапга тенг келувчи сўзлар бирикмаси бор. Гап бўлақларига тенг келувчи сўзлар бирикмаси "сўзлар бирикмаси категорияси"ни ифодловчи термин бўлса, гапга тенг келувчи сўзлар бирикмаси термин эмас, у сўзларнинг шахс-сон томондан бир-бирига мос келиб, гап ҳосил бўлишини кўрсатувчи бирлиқдир ёки гап категорияси соҳасида ишлатилувчи оддий иборадир. Ана шу термин билан оддий иборани фарқламаслик натижасида сўзлар бирикмаси билан гап қориштирилади ва бу иккаласи (гап билан сўз бирикмаси) бир планда, бир қаторда ўрганилади. Бундай ҳолларни А.Ғ.Ғулломов асарларида ҳам кўрамиз. А.Ғ.Ғулломов сўзлар бирикмасига таъриф бериб шундай ёзади: "Бир-бири билан семантик ва грамматик жиҳатдан боғланиб бир бутунлик ташкил этган сўзлар бирлиқда сўз бирикмаси саналади. Масалан: "Ёз қушлари жанубдан тезгина учиб келдилар" гапида тўртта бирикма бор. Ёз қушлари, қушлар учиб келдилар, жанубдан учиб келдилар, тезгина учиб келдилар. Биринчи гап қушларнинг, иккинчи гап жанубдан, учинчи гап тезгина учиб келишини ифодалайди. Уч-ала гапнинг йиғиқ шаклида кесим бир марта қўлланади. Келтирилган гапнинг ёйиқ формасида ҳам йиғиқ формасида ҳам учта факт тасдиқланади, ҳолос. Бу мисолда битта сўзлар бирикмаси (ёз қушлари) бор. Қолган учтаси гапдир. А.Ғ.Ғулломов ўз фикрини яна давом эттириб қуйидагиларни қайд этади: "Бирикма шу составдаги элементлардан англашилган маъноларнинг муноса-

батини ифодалайди. Семантик ва грамматик бутунликни кўрсатади. Бирикма мустақил сўзларнинг муносабатидан туғилади, кўмакчилар эса олдидаги мустақил сўз билан биргаликда бир элемент бўлади. Масалан: У завқ билан куйлади: У куйлади, завқ билан куйлади. [27, 24-25] Бу гапда эса сўз бирикмаси мутлақо йўқ". А.Ғ.Ғуломовдан келтирилган иккала парчада ҳам сўзлар бирикмаси шарҳланади, лекин келтирилган мисолларнинг кўпи гапдир. Демак, оддий ибора билан термин фарқланмайди, натижада "сўзлар бирикмаси категорияси" [14, 14, 22] билан "гап категорияси" қориштирилади. Ана шундай қориштиришларни сўзлар бирикмаси ва эргаш гапларда ҳам учратамиз. Энди мана шу масала устида қисқача тўхтаймиз.

1.3. Сўзлар бирикмаси ва эргаш гаплар (Гапнинг ёйиқ бўлақлари ва эргаш гаплар)

Сўзлар бирикмаси бутун бир гап (содда гаплар) билан қориштирилгандек, қўшма гапларнинг бир қисми бўлган эргаш гаплар билан ҳам қориштирилади. Бу ерда ҳам, асосан, субъект-предикатив ва эга-кесим муносабати масаласи асос бўлади.

Ғ.Абдурахмонов қўшма гапларни иқир-чикиригача мукамал ишлаган бўлсалар ҳам, баъзи ўринларда муҳтарам устоз сўзлар бирикмаси билан эргаш гапларни фарқланишига эътибор бермайдилар. Масалан: 1. Бу ҳол мадраса дунёсида жуда оддий ва табиий ҳодиса бўлгани учун уларнинг асосий шовқинига аторофдагилардан ҳеч ким эътибор қилмас эди. 2. Холамнинг бола-чақалари бўлмаганидан, уйлари бизниқига ўхшаш тўс-тўполон эмас, йиғинчоқлик. 3. Мўри ерга қўндирилган тандирнинг рўпарасида бўлганлиги учун, мен томдан тикка тандирнинг ичига тушган эдим. 4. Ҳаммалари дарғазаб, жангда беомон бўлиб қолганлиги сабабли, кучимизга куч қўшилди. [1, 157] Биринчи гапда "Бу ҳол мадраса дунёсида жуда оддий ва табиий ҳодиса бўлгани учун", иккинчи гапда "Холамнинг бола-чақалари бўлмаганидан", учинчи гапда "Мўри ерга қўндирилган тандирнинг рўпарасида бўлганлиги учун", тўртинчи гапда "Ҳаммалари дарғазаб, жангда беомон бўлиб қолганлиги сабабли" бирикмаларини эргаш гаплар ҳисоблаб, тўртала гапни ва шунга ўхшаш бир қанча гапларни қўшма гаплар жумласига киритадилар. Назаримизда, бу гапларнинг ҳаммаси содда гаплар бўлиб, эргаш гап дейилган birlikлар гап эмас, балки сўзлар бирикмаларидир. Сабаб:

1. Бу birlikларда эга-кесим йўқ, нисбий фикр англашилмайди. Уларда субъект - предикат бор, холос.

2. Эга деб тасаввур қилинган бўлақлар (бу ҳол, бола-чақалари, мўри, ҳаммалари) белгисиз қаратқичли аниқловчидир. Бундай қориштирмалар китобда анчагина учрайди.

Сўзлар бирикмаси ва эргаш гаплар масаласи жуда бир жиддий муаммо бўлса керакки, улар кўп асарларда чегараланмайди ва кўп чалқашликларга сабаб бўлади. Яна бир йирик асарни кўздан кечириб, шунинг гувоҳи бўлдик. "Ўзбек тили грамматикаси"нинг II қисмига назар ташлаб:


1. "Ҳасанхоннинг қадди ёйдай букилиб, икки кўздан ёши тўкилиб, ичи ғамга тўлиб, ранги гулдай сўлиб, ўғлига қараб бир сўз деди",

2. "Қаландаров йўл бўйидаги тиниқ яшил дарахтлар, барра ўтлардан кўзи қувониб, кишининг вужудини, руҳини яйратадиган май ҳавосидан маст бўлиб, хиргойи қилиб кетаётган эди",

3. "Дарё тошганлиги учун, экиннинг ярми нобуд бўлди" каби гапларни учратдик. [25, 424, 438]


Биринчи мисолда "қадди ёйдай букилиб", "икки кўздан ёши тўкилиб", "ичи ғамга тўлиб", "ранги гулдай сўлиб" birlikларида, юқорида айтганимиздек, субъект-предикат бор-у, аммо эга-кесим йўқ. Шунинг учун улар сўзлар бирикмаси, гап эмас. Биринчидан, эргаш гапга хос мазмун ва оҳангга эга эмас, иккинчидан, улар (сўзлар бирикмаси) уюшиб келган бўлиб, шу уюшиқлик занжирини битта-иккита сўз қўшиш билан кенгайтириш мумкин. Масалан: Ҳасанхоннинг қадди ёйдай букилиб, икки кўздан ёши тўкилиб, ичи ғамга тўлиб, ранги гулдай сўлиб, қалтираб, титраб ўғлига қараб бир сўз деди. Шу гапни схемада кўрамиз:

13-жадвал



Мана бу схемадан кўриниб турибдики, эргаш гап деб фараз қилинадиган birlikлар йиғиқ равиш қоллари (қалтираб, титраб) билан бир қаторда турибди. Яна уларнинг шаклини ўзгартириб, "қолда", "равишда" сўзларини қўшиб кўрсак ҳам, юқоридаги қатор бузилмайди:

14-жадвал



Бу ерда бўладиган ўзгариш "Хасанхоннинг" қаратқичли аниқловчи эгага (Хасанхон), бир составли гап икки составли гапга ўтади, лекин уюшқлик занжирида ўзгариш бўлмайди, яъни занжир узилмайди. Шундай бўлгандан кейин "қадди ёйдаи букилиб", "икки кўзидан ёши тўкилиб", "ичи ғамга тўлиб", "ранги гулдаи сўлиб" birlikларини равиш эргаш гап деб бўладими? Йўқ, албатта. Улар сўзлар бирикмаси билан ифодаланган ёйиқ равиш қолларидир. Энди иккинчи гапни (Қаландаров йўл бўйидаги тиниқ яшил дарахтлар, барра ўтлардан кўзи қувониб, кишининг вужудини, руҳини яйратадиган май ҳавосидан маст бўлиб, хиргойи қилиб кетаётган эди) таҳлил қилиб кўрамиз.

Бу гапда "хиргойи қилиб" "қандай?", "қандай қилиб" сингари сўроқларга жавоб бўлиб, "кетаётган эди" кесимга эргашади ва бу кесимдан англашилган ҳаракатнинг қандай, қандай қолда, қандай равишда бажарилганлигини кўрсатади, демак, у равиш қолидир. "Йўл бўйидаги тиниқ яшил дарахтлар, барра ўтлардан кўзи қувониб", "кишининг вужудини, руҳини яйратадиган май ҳавосидан маст бўлиб" бирикмалари ҳам худди "хиргойи

қилиб" позициясидадир, яъни гап қурилишида, таркибнинг кенг ёки тор бўлишига қарамай, "ҳиргойи қилиб" бажарган вазифасини бажаради.

Ҳамма вақт ҳам сўзлар бирикмаси билан ифодаланган равиш ҳоллари эргаш гаплар билан қориштирилавермайди. Учинчи гапни текшириб кўрамиз. "Дарё тошганлиги учун экиннинг ярми нобуд бўлди" гапидаги "дарё тошганлиги учун" сабаб эргаш гап эмас, у сўзлар бирикмаси билан ифодаланган ёйиқ сабаб ҳолидир. Чунки эга деб тасаввур қилинган "дарё" сўзи-логик субъект, грамматик белгисиз қаратқич келишигадаги аниқловчи: дарёнинг тошганлиги учун... Кўринадики, бу гап ҳам эргаш гапли қўшма гап эмас. Яхшилаб ўрганилса, китобда бундай мисоллар кўп топилади.

М.А.Асқарова "Предикатив бирлик билан ифодаланган бўлак ва эргаш гап" сарлавҳаси остида субъект-предикат ҳолатидаги сўзлар бирикмаси, бир вақтлар А.Ғ.Ғуломов эргаш гап деган сўзлар бирикмаси билан эргаш гапларни қиёслаб ўрганади ва уларнинг фарқини қуйидагича ёритади:

1. Бундай синтактик бирлиكنинг "кесими" вазифасида кўпинча сифат, сифатдош, бор, йўқ каби сўзлар; кўп, оз каби равишлар, семантик жиҳатдан кўпроқ сифатга яқинлашган айрим отлар келади; "эга" вазифасида келадиган сўзлар эса кўпинча III шахс бирлик, эгалик аффиксини олади. Масалан: Меҳнати тақдирланган аёллар тўпланишди.

2. Бундай синтактик бирлик гапдаги бирор бўлакка бевосита боғланади, шунга кўра гап бўлаги вазифасида келади, гап бўлаги сўроғига жавоб бўлади: Бахти кулган болалар байрами бошланади. (Қандай болалар?-бахти кулган болалар).

3. Бундай синтактик бирлик гап бўлаги вазифасида келгани сабабли, унда эргаш гапга кос интонация бўлмайди; бундай бўлак гапнинг бошқа қисмидан ҳеч қандай пауза билан ажралиб турмайди.

4. Эргаш гапга ўхшаш бўлган бундай бирликлар гапда кўпинча сифатлар каби сифатловчи бўлиб келади: Мен ёқтирган китобни беринг. У зехни ўткир, ўзи тиришқоқ бола эди [28, 174].

М.Асқарованинг синтактик бирликлар ва эргаш гапларнинг ўзаро фарқлари тўғрисидаги фикрлари, асосан, тўғри, лекин учинчи пунктдаги "...бундай бўлак гапнинг бошқа қисмидан ҳеч қандай пауза билан ажралиб турмайди" деган фикрга қўшилиб бўлмайди. Синтактик бирликлар, албатта, гапнинг бирор бўлаги бўлиб келади, тўғриси, у эга ёки иккинчи даражали бўлак бўлиб келади. Ана шу вазифада улар гапнинг бошқа бўлакларидан, жумладан, кесим таркибидан, сўзлар, сўзлар бирикмаси билан ифодаланган бошқа бўлаклардан пауза орқали ажралиб туриши ҳам мумкин. Мисолларни қиёслаб кўрайлик:

1. Кўзи кўрга жўр бўлсанг ҳам, дили кўрга жўр бўлма. (Мақол)
2. Қизи борнинг нози бор.

Агар, таъкидлаш, кучайтириб кўрсатиш лозим бўлса, биринчи мисолдаги "Кўзи кўрга", "дили кўрга" бирикмаларини бошқа бўлақдан пауза билан ажратиб айтиш мумкин: Кўзи кўрга (жўр бўлсанг ҳам, дили кўрга) жўр бўлма. Иккинчи мисолдаги "қизи борнинг" бирикмасини ҳам пауза билан ажратса бўлади: қизи борнинг/нози бор.

М. Асқарова сўзлар бирикмаси билан эргаш гапларнинг тафовути ҳақида маъқул фикрларни (биз буни юқорида кўриб ўтдик) баён этадилар. Лекин, шу билан бирга, сўзлар бирикмаси ва эргаш гапларга доир маъқул бўлмаган фикрларни ҳам қайд этдилар. Масалан, синтаксисга бағишланган китобларида сўзлар бирикмаси билан ифодаланган ёйиқ бўлақларни эргаш гап дейиш ҳоллари тез-тез кўзга ташланади:


1. Нурининг фикри бошқа нарсалар билан банд бўлгани учун сўзлари, савол-жавоблари сира бир-бирига қовушмас эди. [28, 204]

2. Дўстмат, томирлари бўшашиб, уйига қуруқ қўл билан қайтди [28, 182].

Биринчи гапни текшириб кўрайлик. Бу гапда "Нурининг фикри бошқа нарсалар билан банд бўлгани учун" бирикмасида "фикри" сўзи эга, "банд бўлгани учун" кесим деб тасаввур қилиниб, булар иштирок этган бирликни эргаш гап дейдилар. Бизнинг тушунимизча, гапни бундай таҳлил қилиш ҳақиқатга ҳеч тўғри келмайди. Чунки эга бош келишик формасида бўлади, эга деб фараз қилинган сўз эса (фикри) белгисиз қаратқич келишигидаги қаратқичли аниқловчи. Услуб талабига кўра иккита белгили қаратқичли аниқловчини ёнма-ён келтириш мумкин бўлмаганлиги учун улардан бири белгили, бири белгисиз ишлатилган. Олдингисини белгисиз қилиб, кейингисини (фикри) белгили қилиб ишлатиш ҳам мумкин эди, услубга катта путур етмас эди: Нури фикрининг каби. Аниқки, "фикри" сўзи қаратқичли аниқловчи бўлгани сабабли, "банд бўлгани учун" ни кесим деб бўлмайди. Энди иккинчи мисолга назар ташлайлик. Бу гапда "Дўстмат уйига қуруқ қўл билан қайтди" бош, "томирлари бўшашиб" эргаш гап деб тасаввур қилинади. Қиёсий методдан фойдаланиб, бу мисолга ёндашсак, "томирлари бўшашиб"ни эргаш гап деб бўлмайди. Негаки, у "қайтди" кесими ифода этган ҳаракатнинг қандай ҳолда, қайси йўсинда бажарилганлигини кўрсатади ва грамматик томондан шу кесимга эргашади. Эргаш гаплар эса бош гапнинг бирор бўлагига эргашмайди, балки уни изоҳлаб, унга (бирор бўлақка) эквивалент бўлиб келади, "томирлари бўшашиб"да эса бундай хусусият йўқ, эргаш гапга хос мазмунга ҳам, оҳангга ҳам эга эмас. Яна бир томонига

эътибор берайлик. Юқоридаги гап таркибига, масалан, "чарчаб", "ҳориб" каби сўзларни қўшиб, уюшиқ бўлак ҳосил қилсак, "томирлари бўшашиб" шу уюшиқ бўлакнинг бир аъзоси бўлиб қолади, аниқки, уюшиқ бўлакнинг бир аъзоси қандай вазифада келса, иккинчиси ҳам худди шундай вазифада бўлади: Дўсма^т томирлари бўша^шиб, чарча^б уйига қуруқ қўл билан қайтди. Бу мисол икки составли содда гап бўлиб, "Дўсма^т" - эга, "қайтди" - кесим, "уйига" - ўрин ҳоли, "қуруқ қўл билан" - равиш ҳоли, "томирлари бўшашиб ва чарчаб" - уюшиқ равиш ҳолларидир:

15-жадвал



Баъзи масалалар турли асарларда турли хил баён этилади. "Ўзбек тили грамматикаси"нинг иккинчи қисмида "-масдан" шакли равишдошли, шунингдек, ташқари, қараганда, кўра сингари кўмакчили бирикмалар ажратилган конструкциялар дейилади: .. ўғлига ва меҳмонларга билдирмасдан, уларни кўздан кечира бошлади... уларни ўчакиштиришдан кўра, сир қилишни аъло кўради. [25, 216, 225] Бу гаплардаги "...ўғлига ва меҳмонларга билдирмасдан", "уларни ўчакиштиришдан кўра" бирикмалари ажратилган конструкциялар жумласига киритилади.

М.Асқарова шу юқоридаги каби гапларни эргаш гапли қўшма гап дейди: Сенга зарра озор бергандан кўра. Яхшироқ кўзимга тупроқ тўлгани. Якка қолда ишладан кўра кўпайлашиб ишлаш яхшироқ [28, 201]. Бу борада "Ўзбек тили грамматикаси" (II) муаллифларининг фикри билан М.Асқарованинг фикри зид келади: бир хил қурилмаларни у томон сўзлар бирикмаси деса, бу томон эргаш гап дейди. Бизнинг фикримизча, "Ўзбек тили грамматикаси" муаллифлари ҳақлидирлар.

Ф.С.Убаева ҳол категориясини ўрганиш бобида эргаш гапли қўшма гапларга ҳам назар ташлайди. У сўзлар бирикмаси билан ифодаланган ҳоллар ва эргаш гапларни қиёслаб ўрганиб, улар ўртасидаги фарқларни очишга уриниб, бизнингча, тўғри кулосаларга келади. Ф.С.Убаеванинг фикрича, "У келганда мен китоб ўқиётган эдим" типидagi гаплар - содда гап. Бунни у қуйидагича изоҳлайди: Бу гапда битта факт тасдиқланади, у ҳам

бўлса, "ўқийётган эдим" кесимидан англашилади. "У келганда" бирикмаси эса тасодифий ҳолатни кўрсатади. Бу тасодифий ҳолат пайт билан боғлиқ бўлиб, унинг турли хил вариантлари бор: у келган пайтда, у келган вақтда, у келганда, яъни соат иккида... Ф.С.Убаева ўз фикрини давом эттириб, яна шундай дейди: Бош ва эргаш гаплар мазмунан бир-бири билан узвий боғлиқ бўлади. Эргаш гап бош гапда ифода этилган ҳаракат-ҳолат, воқеа-ҳодисаларнинг юз бериш-юз бермаслигига ҳисса қўшади. Масалан, "У келганда, мен кетар эдим" гапида ана шундай ҳолат бор. "Кетиш" ҳаракати "келиш" ҳаракати билан узвий боғлиқ. Биринчи ҳаракат (келиш) юз бермаса, иккинчи ҳаракат ҳам юз бермайди. Шунинг учун ҳам "У келганда, мен кетар эдим" шарт мазмунини ифодаланган содда гапдир. Унда битта факт тасдиқланади.

"Соч-соқоли ўсиб, уст боши кир бўлиб экспедициядан қайтиб келди" типигаги гапларни кўпчилик шубҳасиз қўшма гап дейди. Ф.С.Убаева эса бу хил гапларни содда гап дейди ва содда гаплигини қуйидагича исботлайди:

1. Субъект-предикат учта, ага-кесим битта. Демак, битта факт тасдиқланади.

2. Эргаш гап бош гапдан англашилган ҳаракатнинг бажарилишига ҳеч қандай ҳисса қўшмайди. Ҳаракатлар бир-бири билан узвий боғлиқ эмас.

3. "Соч-соқоли ўсиб", "уст боши кир бўлиб" бирликлари "қайтиб келди" ҳаракатининг қай қолда, қай йўсинда бажарилганлигини кўрсатади, шунинг учун "қандай?", "қандай қолда?" сингари сўроқларга жавоб бўлиб, "қайтиб келди" кесимига эргашади.

4. "Озиб", "қорайиб" каби сўзларни... қўшиб, уюшқликни кенгайтириш мумкин: Соч-соқоли ўсиб, уст боши кир бўлиб, озиб, қорайиб экспедициядан қайтиб келди.

5. "Озиб". "қорайиб" сўзлари равиш ҳоли, улар билан уюшқлик занжирини ташкил қилган, бир-қаторда турган "соч-соқоли ўсиб", "уст боши кир бўлиб" сўзлар бирикмаси равиш ҳолларидир. 6. Гап қурилишини сал ўзгартириб "Соч-соқоли ўсган, уст боши кир бўлган, озган, қорайган қолда экспедициядан қайтиб келди" десақ, сўзлар бирикмасининг равиш ҳоли вазифасида эканлиги яққол кўринади. [19]

Ф.С.Убаева сўзлар бирикмаси билан ифодаланган ҳол ва эргаш гаплар ҳақидаги фикрини уч пунктда хулосалаштиради:

1. Эргаш гапдан англашилган ҳаракат бош гапдан англашилган ҳаракат билан узвий боғлиқ.

2. Эргаш ва бош гаплардан англашилган ҳаракатлар бир пайтда параллел юз бермайди, улар олдин-кейин бажарилади. Кесим ва қолдан англ-

лашилган ҳаракатлар бир пайтда параллел юз беради.

3. Эргаш гап кесимларини (-и)б ва бошқа шу каби шакллардагиларни) шахс-сон кўрсатувчи кесимлар билан алмаштириш мумкин. Сўзлар бирикмаси билан ифодаланган ҳолнинг етакчи элементини шундай кесимлар билан алмаштириш мумкин эмас. [19, 26, 27]

Бу ерда шунини ҳам айтиш керакки, "Соч-соқоли ўсиб, уст-боши кир бўлиб экспедициядан қайтиб келди" гапидаги "ўсиб", "кир бўлиб" равишдошларини тусланувчи феълга ўтказиш мумкин, лекин мазмун ўзгариб, услуб бузилади: Соч-соқоли ўсди, уст-боши кир бўлди, экспедициядан қайтиб келди, сингари. Эргаш гап ва гапнинг сўзлар бирикмаси билан ифодаланган ёйиқ бўлаклари орасидаги фарқларни ўрганишда М.Асқарова, Ф.Убаевларнинг фикрларини асосга олиб, баъзи бир қўшимчалар киритамиз.

Бизнинг фикримизча, ҳоким элемент (ҳоким элемент вазифасида кўпинча, сифатдош, ҳаракат номи, белги отлари қўлланади) қуйидаги сўзлар билан келган бирикмалар эргаш гап бўлмайди:

а) учун: Қолхоз раиси пахта теримига боғлиқ жуда муҳим ишлар билан банд бўлгани учун мажлисни икки кундан кейин ўтказадиган бўлдик. (Газетадан);

б) сабабли: Меъмор илгари бир неча бор лойиҳалари йўқолгани сабабли қогозу тасвир-чиизиқларини, ҳандасавий ҳисобларни жуда эҳтиёт қиларди. (Мирмуҳсин) Қолхоз раиси пахта теримига боғлиқ жуда муҳим ишлар билан банд бўлганлиги сабабли мажлисни икки кун кейин ўтказадиган бўлдик;

в) мақсад: Оби ғишт, ложувард кошин, ганчхокнинг нисбатини, мустаҳкам қотишини кўздан кечирмоқ мақсадида улардан намуна олиб келиб кўришарди. (Мирмуҳсин);

г) билан: Жамоа хўжалиги раиси келиши билан ҳамма гув этиб ўрнидан турди;

д) кўра: Кеча бизникига келган тракторчининг айтишига кўра районимизда ўзлаштирилмаган ерлар кўп экан. (Газетадан);

е) қарамай: У илдан мутлақо бебаҳра бўлишига қарамай, Улуғбек Мирзо олиб бораётган ишлардан энгаси қотарди. (Мирмуҳсин)

Бу санашни яна давом эттириш мумкин, лекин биз шу билан чегараланамиз ва таъкидлаб айтаемизки, сўзлар бирикмаси ва эргаш гаплар масаласи анча мураккаб бўлиб, махсус ўрганишни талаб қилади.

СЎЗЛАР БИРИКМАСИНИНГ СИНТАКТИК ВАЗИФАСИ

Маълумки, мустақил сўзларнинг ҳар бири гапда бирор вазифани бажаради. Кўмакчилар вазифасида келувчи сўзлар (сабабли, натижада, мақсадда каби) ўзларидан олдинги сўзлар билан бир бутун ҳолда у ёки бу функцияда қўлланади. Худди шунингдек, сўзлар бирикмаси ҳам гап қурилишида маълум бир вазифани бажаради.

Сўзлар бирикмасининг синтактик функцияси таҳлил қилинганда етакчи (ҳоким) элемент асос олинади. Етакчи элемент қандай грамматик кўрсаткичга эга бўлса, шунга мос ҳолда гапнинг у ёки бу бўлаги бўлиб келади. Етакчи элемент ва унга эргашиб келувчи барча элементлар бутунича шу вазифада бўлади.

Ўқорида айтганимиздагидек, сўзлар бирикмаси поғонали бўлади. Биринчи поғонадаги сўзлар бирикмаси (ташқи ёки биринчи даражали) эга, иккинчи даражали бўлақлар, ундалма, ўрни билан, кириш бўлақ вазифасида келади. Иккинчи ва ундан кейинги поғоналарда (ички ёки иккинчи ва учинчи даражали) субъект бўлиши мумкин. Лекин эга иштирок эта олмайди. Демак, сўзлар бирикмасининг биринчи поғонасида кесим, иккинчи ва ундан кейинги поғоналарда эга қатнашмайди.

Сўзлар бирикмасининг иккинчи даражали бўлақ бўлиб келиши унумли. Ундалма бўлиб келиши иккинчи даражали бўлақ бўлиб келишидан, кириш бўлақ бўлиб келиши ундалма бўлиб келишидан унумсизроқдир. Сўзлар бирикмасининг қандай вазифада келишини қуйида мисоллар ёрдамида кўриб ўта-миз:

1. Сўзлар бирикмаси эга бўлиб келади:

- 1) ... тўрт томонидан сув айланиб оққан катта сува меҳмонларга лиқ тўлган. (Ойбек)
- 2) Уни чирик мақсадлари йўлида сунистеъмол қилган туҳматчиларни фoш қилиш - бизнинг бурчимиз. (Ш.Рашидов) Менимча, Юсуфийнинг қўйинини пуч ёнғoқ билан тўлғазганлар бор. (Ш.Рашидов) Келтирилган мисолларнинг учаласи ҳам икки ярусли бўлиб, ўртасида эга турибди. Кесим бир томондан эгани бошқариб, гапни ташкил қилса; иккинчи томондан эга сўзларни бевосита, бавосита бошқариб, сўзлар бирикмасини ташкил қилади:



Иккинчи мисолда "фoш қилиш" эга бўлиб, сўзлар бирикмасининг биринчи даражали етакчи элементиدير. Етакчи элементдан олдинги элементлар ҳам ҳоким-тобелик ҳолатида бўлиб, бир-бирига эргашади ва ҳаммаси бирлашиб яхлит эга составини ташкил қилади.

Учинчи мисолда "тўлғазганлар" эга бўлиб, унинг таркибига "Юсуфийнинг кўйинини" деган воситасиз, "пуч ёнғoқ билан" деган воситали тўлдирувчилар киради. Бу тўлдирувчилар ҳам ўз навбатида сўзлар бирикмасидир.

2. Сўзлар бирикмаси тўлдирувчи бўлиб келади:

1) а) воситали тўлдирувчи: Бир ойлик йўлни бир кунда босишингга шубҳа қилсам-да, бир ойлик гапни бир кунда гапиришингга ишончим юмил! (Ш.Рашидов) Бу мисолда "бир ойлик йўлни бир кунда босишингга", "бир ойлик гапни бир кунда гапиришингга" сўзлар бирикмаси бўлиб, уларнинг етак элементлари воситали тўлдирувчидир;

б) воситасиз тўлдирувчи: У меъморнинг муҳандис билан равоқ ва баланд девор бурчақлари, гумбазнинг ҳандасавий уч бурчак, тўрт бурчак чизиқларини ҳисоб қилиб чиқаётганларини кўриб ўтиради-ю, лекин ҳеч бирига ақли етмасди. (Мирмуҳсин) Олтинсойликлар қўл қовуштириб ўтирганлардан эмаслигини ўзинг ҳам биласан-ку! (Ш.Рашидов) Биринчи гапда "меъморнинг муҳандис билан равоқ ва баланд девор бурчақлари, гумбазнинг ҳандасавий уч бурчак, тўрт бурчак чизиқларини ҳисоб қилиб чиқаётганларини", иккинчи гапда "олтинсойликлар қўл қовуштириб ўтирадиганлардан эмаслигини" сўзлар бирикмаси бўлиб, уларнинг етакчи элементлари воситасиз тўлдирувчидир: Ҳисоб қилиб чиқаётганларини ўтирадиганлардан эмаслигини "Уларнинг товонлари темирга айланиб кетган, ёзда қайнаб билқиллаб турган, кеч кузда эса муздай бўлиб қоладиган тупроқни босиб юришга одатланганлар" (Ж.Шарипов) мисолида: "ёзда қайнаб билқиллаб турган", "кеч кузда эса муздай бўлиб қоладиган тупроқни босиб юришга" сўзлар бирикмаси бўлиб, уларнинг тобе элементлари воситасиз, ҳоким

элементи эса воситали тўлдирувчидир: ...тупроқни, босиб юришга.

3. Сўзлар бирикмаси аниқловчи бўлиб келади:

1) қаратқичли аниқловчи бўлиб келади: Бу йигит - кеча бизникига келган Аҳмадjonнинг укалари. (Газетадан) Бу мисол икки составли содда гап бўлиб, "бу йигит"-эга, "укалари"-кесим. "Кеча бизникига келган Аҳмадjonнинг" сўзлар бирикмаси билан ифодаланган аниқловчидир. Аниқловчининг етакчи элементи "Аҳмадjonнинг" деган қаратқичли аниқловчи бўлади, у кесимнинг (укалари) белгисини кўрсатади;

2) сифатловчи аниқловчи бўлиб келади: Оташ-дукчи олтишларга яқин, бурушиқ юзида кўзлари теран жойлашган, елкаси чиқик, кўркам оппоқ соқолли қовжироқ бир чол. (Ойбек) Бу мисол ҳам икки составли содда гап бўлиб, "оташ-дукчи"-эга, "бир чол"-кесим. Эга-кесим оралигидаги бўлақларнинг ҳаммаси сифатловчи аниқловчидир. Аниқловчиларнинг биттаси (қовжироқ) сўз билан, бошқалари сўзлар бирикмаси билан ифодаланган:

а) олтишларга яқин;

б) бурушиқ юзида кўзлари теран жойлашган;

в) елкаси чиқик;

г) кўркам оппоқ соқолли.

Бу тўртта аниқловчи ҳам от кесим (чол)нинг белгисини кўрсатиб, синтактик томондан унга эргашиб келади.

4. Сўзлар бирикмаси ҳол бўлиб келади:

1) ўрин ҳоли бўлиб келади: ...доим ғовур-ғувур эшитилиб турган ичкари эшиқдан кўтилмаганда Ефим Данилович чиқиб келди. (А.Мухтор) Волга бўйлаб чўзилган катта шаҳардан келдим. (Газетадан) Бу мисоллардаги "доим ғовур-ғувур эшитилиб турган эшиқдан", "Волга бўйлаб чўзилган шаҳардан" констуркциялари сўзлар бирикмаси билан ифодаланган ўрин ҳолларидир;

2) пайт ҳоли бўлиб келади: Мамлакатимиз аста-секин ривожланиш йўлига кириб бораётган бир даврда биз қўл қовуштириб ўтираверамизми? (Газетадан) Меҳмонлар кетиши билан биз ҳам ўрнимиздан турдик (Газетадан). Анави Нусратилла воқеасидан кейин кўчага ҳам биринчи чиқishi... (А.Мухтор) Ўша оқшомдан бери Турсуной кўп ўйланадиган, елғиз ўзи бир ёққа боршга кўрқадиган, кеч кириши билан ўрнига кириб бурканиб ётиб оладиган бўлди. (А.Мухтор)

3) сабаб ҳоли бўлиб келади:

а) Меъмор илгари бир неча бор лойиҳалари йўқолгани сабабли қоғозу тасвир-чизикларини, хандасавий ҳисобларни жуда эҳтиёт қиларди (Мирмуҳ-

син);

б) Нурининг фикри бошқа нарсалар билан банд бўлганлиги учун сўзлари, савол-жавоблари сира бир-бирига қовушмас эди (А.Мухтор)

в) Хасанали Отабекнинг ҳар бир сирига ўзини маҳрам ҳисобланганлигидан, дарҳқиқат Отабекка маҳрам бўлишга лойиқ бир меҳрибонликка эга бўлганлигидан бек билан очиқ сўзлашиш фикрига келди. (А.Қодирий)

Биринчи мисолда "йўқолганлиги сабабли", иккинчи мисолда "банд бўлганлиги учун", учинчи мисолда "маҳрам ҳисобланганлигидан" ва "эга бўлганлигидан" сўзлар бирикмасининг етакчи элементиدير. Сабаб маъноси-ни ана шу элементлар кўрсатиб турибди;

4) мақсад ҳоли бўлиб келади:

а) Оби-ғишт, ложувард кошин, ганҷхоқнинг нисбатини, мустаҳкам қотишини кўздан кечирмоқ, мақсадида улардан намуна олиб келиб кўришади. (Мирмуҳсин);

б) Бу қўшинга Амир Довуд барлос сардорлик қилиб, ёш Мирзога кўмақлашмоқ ва унинг қўшини билан Фарғона устига бормоқ учун уч ой таяёргарлик кўрган эди (Мирмуҳсин);

в) Қутлуғ Нигор хоним Бобурга нималарнидир айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади. (П.Қодиров);

г) Меҳри хавфсирегандай орқасига тикилиб دادаси қаердалигини билишга интилди. (Ш.Рашидов)

Биринчи мисолда "кўздан кечирмоқ" мақсадида, иккинчи мисолда "кўмақлашмоқ", "бормоқ учун", учинчи мисолда "айтмоқчи бўлиб", тўртинчи мисолда "билишга" сўзлар бирикмасининг етакчи элементлариدير. Ана шу элементлар мақсад маъносининг ифодаланишида асосий ролни ўйнайди;

5) равиш ҳоли бўлиб келади. Сўзлар бирикмаси билан ифодаланган равиш ҳоллари икки кил бўлади:

а) субъект-предикат ҳолатида бўлмаган равиш ҳоллари:

б) субъект-предикат ҳолатида бўлган равиш ҳоллари.

Мисоллар: Вашорат унинг кўкрагидан сирғалиб ерга тушди. (А.Мухтор) Хасанхоннинг қадди ёйдай букилиб, икки кўзидан ёши тўкилиб, ичи ғамга тўлиб, ранги гулдай сўлиб ўғлига қараб бир сўз деди ("Ўзбек калқ эртаклари"дан)

Биринчи мисолда, "унинг кўкрагидан сирғалиб" сўзлар бирикмаси билан ифодаланган равиш ҳоли бўлиб, унда субъект-предикат муносабати йўқ.

Иккинчи мисолда "қадди ёйдай букилиб", "икки кўзидан ёши тўкилиб", "ичи ғамга тўлиб", "ранги гулдай сўлиб" сўзлар бирикмаси билан

ифодаланган равиш ҳоллари бўлиб, уларда субъект-предикат муносабати бор:

17-жадвал

<u>субъект:</u>	<u>предикат:</u>
қадди	букилиб
ёши	тўкилиб
ичи	тўлиб
ранги	сўлиб

6) Ўхшатиш ҳоли бўлиб келади: У телефон қўнғироғини илгаридан орзиқиб кутгандай кескин ҳаракат билан трубкани олди. (А.Мухор) Башорат ўзини шу ерликдай, шу оддий, ғайратли, хушчақчақ одамлар силасида кўпдан бери яшаган, улар билан тенг, улар билан дўст ва ҳамжор кишидай ҳис этишни истади. (А.Мухтор)

Биринчи мисолда "телефон қўнғироғини илгаридан орзиқиб кутгандай", иккинчи мисолда "ўзини шу ерликдай", "шу оддий, ғайратли, хушчақчақ одамлар силасида кўпдан бери яшаган", "улар билан тенг, улар билан дўст ва ҳамжор кишидай" бирликлари сўзлар бирикмаси бўлиб, ўхшатиш ҳоли вазифасида қўлланади. Бу ерда шуни эслатиш керакки, иккинчи мисолдаги ўхшатиш ҳоллари ички сўзлар бирикмаси бўлиб, улар ташқи сўзлар бирикмасининг етакчи элементи бўлган "ҳис этишни" воситасиз тўлдирувчига эргашади.

Текшириш натижасида аниқ бўлишича, ҳолнинг шу юқорида қайд этилган турлари унумли қўлланади, бошқа турлари, масалан, миқдор-даража ҳоллари анча унумсиз экан.

5. Сўзлар бирикмаси ундалма бўлиб келади:

Россия, Россия, азамат ўлка!
Эй осмон сингари бепоён Ватан!
Тўлдирган чоғда ҳам жаҳонни нурга
Кўш қуча олмас сени дафъатан

(Ҳ.Олимжон)

Эй қуёшли республикам, сен Шарқ машғали,
Оромбахшдир қучоқларинг, тотли, нашғали.

(Ғайратий)

6. Сўзлар бирикмаси кириш бўлак бўлиб келади: У замоннинг машҳур тарихчисининг муболағакор тасвирига кўра, у отлиқларнинг ҳар бири Хоршоқоф найзаси учи билан ойнинг юзидаги пардани кўтарур эди. (А.Навий) Кеча бизникига келган тракторчининг айтишига кўра, районимда ўзлаштирилмаган ерлар кўп экан. (Газетадан) Келтирилган мисолларнинг биринчисида, "У замоннинг машҳур тарихчисининг муболағакор тасвирига кўра", "иккинчисида "Кеча бизникига келган тракторчининг айтишига кўра" бирликлари сўзлар бирикмаси билан ифодаланган кириш бўлаклардир. Бу кириш бўлаклар фикрнинг кимга қарашли эканлигини ифодалайди. Кириш бўлакларнинг, кўпинча, шу тури ёйиқ ҳолда қўлланади: менинг тушунишимча, уларнинг фикрича, унинг айтишига қараганда, юқорида айтганимиздек ва бошқалар.

Кириш бўлакларнинг юқоридаги турлари, ўрни билан, ййиқ ҳолда, яъни биргина сўз билан ифодаланиб келиши ҳам мумкин, масалан, фикримча, айтишича, Кириш бўлакларнинг демак, албатта, қуллас, масалан каби турлари эса ҳамма вақт шундай ййиқ ҳолда қўлланади. Биз юқорида сўзлар бирикмасининг эга, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол, шунингдек, ундалма, кириш бўлак келишини кўриб ўтдик. Ички сўзлар бирикмасида эганинг бўлмаслигини ҳам айтдик. Энди шунини ҳам қайд қилиш керакки, ички сўзлар бирикмасида ундалма ҳам бўлмас экан.

Кичик бир рисолада сўзлар бирикмаси каби ййрик категория ҳақида кўп ёзиш имконияти йўқ. Юқорида келтирилган таҳлиллар бу категорияни "сўзлар бирикмаси" деб номлаш, унинг таркибий қисмлари, маъновий хусусиятлари, сўзлар бирикмасининг кесим доирасида бўлмаслиги каби бир қанча масалаларни ҳам чуқур ва кенг тадқиқ этиш лозимлигидан дарак бермоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдурахмонов Р. Қўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент, 1958, 204-бет.
2. Акрамов Ш. Ўзбек тилининг гап қурилишида тўлдирувчи ва ҳол ([WPM] валентлиги асосида). НДА. Тошкент, 1997.
3. Античные теории языка и стиля. М.-Л., 1938 стр. 18.
4. Ачилова Г. Определительные словосочетания в современном турецком языке. Ашхабад, 1951.
5. Балакаев М.Б. Типы именных словосочетаний в казахском языке, ВЯ. 1956. №2. Глагольные словосочетания с послеложными именами....
6. Баскаков Н.А. Типы атрибутивных словосочетаний в каракалпакском языке. // ЗЯ, 1956, №6.
7. Боровков А.К. Природа турецкого изафета. Сб. "Академия Наук СССР" Академику Н.Я. Марру " Л. 1935.
8. Джафаров А. Грамматическая структура словосочетаний в современном киргизском языке. АҚД. М. 1962.
9. Дмитриев Н.К. Грамматика башкирского языка. М.-Л., 1948.
10. Нигматов Х.Г., Абдуллаев К.Н. и др. Структура предложения и актуальные вопросы синтаксиса тюркских языков/Тезисы формально-функционального исследования//СТ, 1984. №5
11. Назарова С.А. Бирикмаларда сўзларнинг эркин боғланиш омиллари. НДА. Тошкент, 1997.
12. Поцелуевский К.А. Трехчленная определительная конструкция в туркменском языке и ее модификация, об "Исследования по синтаксису тюркских языков". М, 1962.
13. Расулов Р. Синтаксические связи между словами в дастане "Алпамыш", АҚД. Тошкент, 1975.
14. Сеидов Ю.М. Словосочетания в азербайджанском языке. АДД. Баку, 1965.
15. Сиротинина О.В. Лекции по синтаксису русского языка. М., ВШ. 1990.
16. Солиев С. ОТ. Ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар. Термиз, 1957.
17. Ширалиев М.Ш. Проблема сложноподчиненного предложения. / Вопросы грамматики тюркских языков (материалы координационного со-

вещания по проблемам глагольного вида и сложноподчиненного предложения в тюркских языках, состоявшего 24-27 сентября 1956 г.) Алма -Ата, 1958.

18. Убаева Ф.С. Ҳолнинг синтактик оборотлар билан ифоделаниши ҳақида. Ўзбек тилшунослиги масалалари. Т, 1988.
19. Убаева Ф.С. Семантико-грамматические особенности обстоятельств в современном литературном языке. АДД. Ташкент, 1988.
20. Фузаилов С. Ўзбек тилида равишлар. Тошкент, 1953.
21. Убрятова Е.И. Согласования в якутском языке, сб. "Исследования по синтаксису тюркских языков", М., 1962.
22. Ҳозирги замон ўзбек тили (лексикология, фонетика, графика ва орфография, морфология). Ф.Камол таҳрири остида. Тошкент, 1957.
23. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I. Тошкент, 1966.
24. Ўзбек тили грамматикаси. I. Тошкент, 1975.
25. Ўзбек тили грамматикаси. II. Тошкент, 1976.
26. Фуломов А. Ўзбек тилида аниқловчилар. Тошкент, 1941.
27. Фуломов А. Содда гап. Тошкент, 1955.
28. Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1937

Мундарижа:

бетлар

1. Сўзлар бирикмасини ўрганиш тарихидан.....3-9
2. Сўзлар бирикмаси ҳақида баъзи бир мулоҳазалар.....10-15
3. Сўзлар бирикмасининг ҳоким элементи материалига кўра турлари.....15-24
4. Сўзлар бирикмаси элементларини бириктирувчи воситалар.....24-35
5. Сўзлар бирикмасининг таркибидаги элементлар миқдорига кўра турлари.....35-42
6. Сўзлар бирикмасининг бошқа категориялар билан муносабати.....42-58
7. Сўзлар бирикмасининг синтактик вазифаси.....58-64
8. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....65-66

Ушбу рисола Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети илмий кенгашининг 1999 йил 26 декабр 5-сон қарори билан чоп этишга тасия этилган.

Босишга рухсат этилди. Формат 60x84 1/16.
Шартли босма табағи 4,25. Адади 500. Буюрма №289

ДИТАФ босмахонасида чоп этилган.
Тошкент шаҳри, Олмазор 171-уй